

Жаннат КАЛИТИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **«Агар аёл зиммасидаги беш (маҳал фарзи)ни ўқиса, бир ой (Рамазон) рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат қилса, унга: “Жаннатга истаган эшигингдан кир!” дейилади»** (Имом Ибн Ҳиббон, Имом Табароний ва Имом Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрга итоат қилишни Исломининг устунни бўлган амаллар қаторида зикр қилмоқдалар. Яъни, эрга итоат қилиш, аввало, Аллоҳга итоатдир. Шунингдек, намоз ва рўза каби аёлнинг энг муҳим диний мажбуриятларидан. Мўмина, муслима аёллар бу маънони яхши тушуниб олишлари лозим.

Дарҳақиқат, Набий алайҳиссалом то аёл эрининг олдидаги мажбуриятларини бажармагунича Аллоҳ таоло унинг ибодатларини қабул қилмаслигини очиқ-равшан баён қилганлар: **“Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, то аёл эрининг ҳаққини адо қилмагунича Раббининг ҳаққини адо қилолмайди. Агар эр уни (тўшакка) чорласа,**

(аёл) ҳатто туянинг устида (сафарга отланган) бўлса ҳам, рад этишга ҳаққи йўқ” (Имом Ибн Можжа, Имом Аҳмад ва Имом Ибн Ҳиббон ривояти).

Деразани очганингизда уйга тоза ҳаво билан биргачанг-ғуборлар киргани сингари бугунги тараққиёт билан бирга селдай оқиб кириб келган “пўртана”лар кўплаб муслималарни алдаб қўймоқда. Улар ўз эрларига итоат масаласига панжа орасидан қарай бошлашди. Бу шайтоннинг ҳийласи бўлиб, у орқали аёлларни йўлдан уриш, Аллоҳ таолога осий бўлиш, ҳавойи нафсларига эргашиб, эрларига итоат қилмаслик, жаннатга ўзлари истаган эшикдан кириш имтиёзидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Чунки шайтон шу биргина йўл – эрга итоатсизлик йўли билан Аллоҳнинг ҳузурида аёлнинг барча ибодатларини йўққа чиқаришни истайди. Шундай экан, агар эр аёлини Аллоҳнинг амрларига зид ишларга буюрмаса, аёли унга албатта итоат қилиши лозим.

Солиҳа аёллар ҳақида келган кўплаб ҳадисларда эрга итоат деган омил доимо зикр қилинади. Агар сизнинг қалбингиз диннинг ушбу асосий жиҳатидан қониқиш топмаётган бўлса, у ҳолда Аллоҳга юзланиб, обдон ўйлаб кўриш фурсати келибди. Чунки қалбингиз бунга қанчалик қаршилиқ қилаётган бўлса, шу даражада шайтонга дарча қолдирган бўласиз. У ана шу дарчадан кириб, сизнинг солиҳалигингизни, эрингиз билан муносабатингизни, энг асосийси, Раббингиз билан алоқангизни барбод қилади.

Агар кимдир: “Аёл итоат этишни хоҳлаши учун ўз навбатида эр ҳам қайсидир даражада улуғ инсон бўлиши керак”, деган талабни қўйса, унга: “Эр хотинни таъминлаши учун у (аёл) ҳам қандайдир даражада оқила, илмли, фаҳмли бўлиши керак” деган жавобни бериш ўринли бўлади.

Азизбек ХОЛНАЗАРОВ
тайёрлади.

МУНДАРИЖА

Жаннат калити	1
Аёлнинг бахти нимада?	3
Кечиримлилиқ – гўзал фазилат	4
Ҳам соғлиги, ҳам хулқи зарар кўради.....	6
Ойша бинти Саъд розияллоҳу анҳо	8
Аёлларга ҳуқуқ берган дин.....	10
Кийимга ҳайз қони тегса... ..	11
Назар бор нарсадир	12
Тафаккур кучи	13
Таъзия бўлса, келин ҳамдари эмасми?.....	14
Гўдакларга зулм қилишдан сақланайлик	16
Тўрт саволдан иккитаси... ..	17
Башарият онаси	18
Айтиш осон, англаш қийин	19
Дуолар қўргони ...	20
Ўғил кутяпсизми ёки қиз?....	21
Кейин кеч бўлиши мумкин	22
Ўчирғичингиз бўлсин!.....	23
Иймони заифлар тузоққа тушадилар!..	24
Қалб ҳаловати	25
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....	26
Одамлар нима дейди?.. ..	28
Бир болага... ..	29
Хунук иш.....	30
Бемор зиёрати.....	31
Сухари – қони зарар.....	32

“Кўпгина оилавий муаммолар Қуръони каримдан кунлик вирдани ўқимаслик ва маъноларини тафаккур қилмаслик боис юзага келади. Оила аъзоларингиз билан биргаликда Қуръондан, ҳеч бўлмаса, бир варақ ўқиб, маъноларини дарс қилиб ўрганинг”.

Доктор Жосим МУТАВВАЪ



Аёлнинг бахти нимада?

Шу йилнинг бошларида Петронелла Уайаат бутун Европани ларзага солган мақоласини эълон қилди. Гап шундаки, британиялик бу ёзувчи аёл шу чоққача аёллар фикрини заҳарлаб келиш билан шуғулланган. Ҳаётини шунга тиккан эди. Ва ниҳоят, унинг кўзлари очилди. Олдинги бузилган ҳаётини эҳтимол тиклай олмас, аммо бутун умр ўзи ичиб келган “заҳарли қадаҳ”нинг охирги томчиларини ичишни истамасди. Унинг бу иши эҳтиромга арзийди. Чунки хатони эътироф этиш ва ундан қайтиш бир умр давом этишдан яхшироқдир...

Петронелла Уайаатнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик:

«Мен турмушга чиқмадим. Фарзандларим йўқ, ёлғизман. “Аёллар ҳаракати” мени бахтсиз қилди. Дугоналарим билан учрашаман. Ҳаммамиз эллик ёшдан ўтиб қолганмиз. Олий маълумотлимиз, яхши жойларда ишлаймиз. Аммо ҳаммамизнинг ҳаётимизда бир бўшлиқ бор... Бизнинг “Аёллар ҳаракати”миз келажакни барбод қилганини англаяпман. Бизга: “Анъанавий аёл”ни эркаклар ўз манфаати учун ихтиро қилган”, деб ўргатилди. Шу туфайли эркаклардан нафратлана бошладим. Бугун эса бунинг бадалини тўлаяпман. Чунки мен ва дугоналарим учун энди кеч. Аммо биз “Аёллар ҳаракати”га алданиб, келажакни барбод қиладиган ёшларнинг ўз умрларини хазон қилишига йўл бермаслигимиз керак!..

Азиз сингилларим! Уйларни хароб қилувчи бундай ҳаракатлардан эҳтиёт бўлинг. Улар сизга эркак билан аёл ўртасида фарқ йўқ, эркак билан рақобатлашинг, ундан ўзинг, дейишади. Гендер тенглик ҳақида бонг уришади. Ҳаётни эркаклар билан ку-



рашдан, баҳслашишдан иборатдай тушунтиришади. Сиз фитратан биласизки, эркаклар бошқа, аёллар бошқа хилқат. Сиз улар билан, улар эса сиз билан бирга бўлиши, икки ярим бир-бирини тўлдириши учун яратилгансиз. Сиз ундаги нуқсонни тўлдирасиз, у эса сиздагини! Шундай экан, улар билан ёқа ушлашманг. Балки уларнинг қўлидан тутинг. Сиз улардан яралгансиз. Сиз уларнинг бир қисмисиз. Эркаклар сизнинг борлигингиздир! Аёл кишининг саодати ўзи яхши кўрган, меҳр қўйган, унга ғамхўр бўлган эркакнинг қарши-

сида эмас, ҳимояси остида бўлишидир.

Акс ҳолда ёшлигингизни йўқотиб, оила аталмиш буюк неъматдан бебаҳра қолиб, ҳаловат тополмай, умрингиз охирида катта хонадонда ўргатилган ит ё мушук билан ёлғиз яшашингизга тўғри келади. Дон Кихот шамол тегирмони билан жанг қилгани каби, мавҳум томонлар “олабўжи” қилиб кўрсатган “душман” билан беҳуда курашганингизни англаб, надомат чекканингизда кеч бўлади. Инсон ёши ўтгани сари ёлғизлик қанчалар ваҳимали ва совуқ эканини англаб боради. Бошқа аёлларнинг оиласи, фарзанди, набиралари борлигини, уларни яхши кўришини кузатасиз. Ўшанда оила ўчоғи ҳаловат ва омонлик манбаи экан, деган хулосага келасиз...»

Модомики, бизда ҳали ҳам аёлларга зулм қиладиган эрлар бор экан, демак, аёллар хотинликни тушунмагани каби эрлар ҳали эрликни яхши тушунишмабди. Нима бўлганда ҳам аёл турмуш қуриши, фарзанд кўриши, тушунчаларини тузатиши лозим. Жамиятдаги оилаларга боқинг. Бугун ибратли оилалар жуда кўп. Унда оналар дунё маликаси каби эъзозланади. Аслида, аёл ўз мақомини билса, унга муносабат ана шундай юксак бўлади!..

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
Ургут туманидаги
«Ургут» жоме
масжиди ходими



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ

“Афвни ушланг, маъруфга буюринг ва жоҳиллардан юз ўғиринг” (Аъроф сураси, 199-оят).

Имом Абу Мансур МОТУРИДИЙ

Кечиримлилиқ – гўзал фазилат

Оятдаги **“Афвни ушланг”** ибораси икки хил маънода бўлиши мумкин. Биринчиси, ўзининг ҳақиқий **“ушлаш”** маъноси, иккинчиси **“афвга амал қилиш”** маъноси. Агар у **“ушлаш”** маъносида бўлса, унда икки хил таъвил бор. Биринчиси, **“ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаган, (зиёда) ортиқ нарсани олинг”** маъносида. Бундай нарса жуда ҳам оз бўлади. Иккинчиси, **“улардан тиланиб сўрамай, эҳтиёжларидан ортиб қолган нарсаларни олинг”** маъносида бўлиши мумкин. Яъни, улар берган нарсани олиб, яна тиланиб туриб олманг. Бу қуйидаги оятнинг мазмунига тўғри кел-

лади: **“...Молу дунёларингизни сўрамас. Агар сиздан уларни сўраса, қийнаса, бахиллик қиласизлар”** (Муҳаммад сураси, 36–37-оятлар). Аллоҳ таоло: **“Улардан молларини сўрасангиз, бахиллик қиладилар”**, деб хабар бермоқда.

Агар ибора **“афвга амал қилиш”** маъносида бўлса, унинг ҳам бир неча талқинлари бор. Биринчиси, золимларнинг зулмини афв қилинг, аҳмоқлардан юз ўғиринг ва уларга юмшоқлик билан муносабатда бўлинг...

Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бу оятда халқ билан уч нарса ила муома-

ла қилишга амр этмоқда. Биринчиси, золимларни афв қилиб, уларни жазоламаслик; иккинчиси, аҳмоқ, (жоҳил ва) телбалардан юз ўғириш, (заруратда) улар билан ҳам яхши муносабатда бўлиш; учинчиси, мўминларга фақат юмшоқлик ва меҳрибонлик билан муомала қилиш. Шунинг учун Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломни қуйидаги оятда раҳмдил ва мушфиқ деб сифатлаган: **“Мўминларга мушфиқ ва меҳрибон...”** (Тавба сураси, 128-оят).

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«“Афвни ушланг, маъруфга буюринг ва жоҳиллардан юз ўғи-**



ринг” ояти мўминларнинг ахлоқи борасида нозил қилинган».


Қатода розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «**“Афвни ушланг, маъруфга буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг”**. Бу ояти карима ҳусни хулқ ҳақида бўлиб, Аллоҳ таоло расулини шунга амр этди, шунга чорлади». Айрим муфассирлар айтишди, тафсири тасдиқлашган ва ояти кариманинг таъвилини шунга тегишли қилиб баён этишган.

Айримлар бу иборани “молнинг ортиқчасини олиш” деб тафсир қилган. Агар маъноси шундай бўлса, унда бу ояти карима закот ояти билан насх қилинган бўлади.

Ибн Масъуд ва Убай розияллоҳу анхуларнинг қироатида мазкур ояти карима бундай ўқилган: **“Афвни ушланг, маъруфга буюринг, ёмонликдан қайтаринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг”**. Бу қироатга кўра, оят Аллоҳ таоло амри маъруф ва наҳйи анил мункарга буюрганига далилдир. Маъруф бу – барча яхшиликларнинг исми. Юқорида айтганимиздек, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломни золимларнинг зулмини кечиришга амр қилди. Шунга муносиб келадиган ривоят Ойша розияллоҳу анҳодан нақл қи-

линган: «Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни сўкар ва у зотга азият берар эди. Бир куни у Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг олдиларига кирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уни яхши кутиб олдилар, унга жой ажратдилар ва яқин тутдилар. Мен у зотга: “Ё Расулуллоҳ! Бу одам сизни сўккан киши эмасми-ди?” дедим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Ҳа, шундай. Эй Ойша! Инсонларнинг энг ёмони – ёмонликларидан ва тилларидан сақланиш учун ҳурмат қилинадиганидир”**, дедилар». Шу сабабли Пайғамбаримиз золимларни кечиришга, афв қилишга ва уларни жазола-масликка чақирганлар.

“Маъруфга буюринг”. Яъни, инсонларни яхши ишларга амр қилинг. Яхши ишлар – хилқатимиз гувоҳлик берадиган ва буюрадиган ишлардир. Улар уч қисм бўлади. Иккитаси банда билан Рабби ўртасидадир. Биттаси ўзи билан бошқа бандалар ўртасида бўлади. Рабби билан ўзи ўртасида бўладиган иккита нарса шуки, инсоннинг яратилиши, аввало, Аллоҳнинг бирлигига ва У Зотнинг илоҳ эканига гувоҳлик беради. Иккинчиси, Аллоҳнинг неъматларига шоҳид бўлиб, неъмат қилиб берилган нарса-



ларга шукр қилишга чақиради. Инсоннинг хилқати чорлайдиган, банда билан бошқа бандалар ўртасидаги иш шуки, (пок) нафс барча гўзал нарсаларга рағбат қилиб, барча азият ва ёмонликлардан нафратланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг нафслари рағбат қиладиган ва ёқтирадиган услубда муомала қилишга, нафратлантирувчи ва ёмон кўрсатадиган ишлардан сақланишга амр қилиндилар. Яъни, инсонларга нисбатан яхши, юмшоқ, ёқимли муомала қилинади ва ҳар қандай нафратлантирувчи ҳамда ёмон кўрсатадиган (сўзлару) ишлардан сақланилади.

*“Таъвилотул
Қуръон” асарида
Абдулатиф
АЛЛОҚУЛОВ
таржимаси.*



Ҳам соғлиги, ҳам хулқи зарар кўради

Авваллари уйларимиз меҳр-муҳаббатга тўла эди. Ҳозир эса технологиялар билан тўлиб-тошди. Ҳатто дастурхон атрофида бўладиган суҳбатлар ўрнини “ақлли” телефонлар эгаллади. Кулги овозлари камайиб, телефоннинг “огоҳлантириш”лари кўпайди. Ҳатто болалар болалик ўйинларини экранларда ўйнамоқда. Дўстлик “аъзо бўлиш” тугмаси билан белгиланмоқда, юзаки, ҳиссиз. Иш ҳаёти уйга олиб келинди ва... уйдаги илиқлик йўқолди. Тўғри, технология

бизни дунёга боғлади, аммо бир-биримиздан ажратиб қўймоқда.

Уяли алоқа воситаси бош мия тўқималарига жиддий зарар етказди. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бу бирданига эмас, орадан 15–20 йил ўтгач намоён бўлади. Шу сабабли олимлар келажақда бош мия ўсимтаси билан хасталанган ёшлар сони кескин ошиб кетишидан хавотирланмоқдалар.

Электромагнит нурланишнинг радиочастотали кўлами бош, жумладан, мия тўқималари, кўз тўрпардаси, кўриш ва эшитиш анализаторларига ютилиб, айрим органлар билан бир қаторда асаб тизимига ҳам таъсир этади.

Электромагнит тўлқинлар тўқималарга кириб бориб, уларни қиздириши исботланган. Вақт ўтиб, бу ҳолат бутун организм фаолиятига салбий таъсир этади, жумладан, асаб, юрак қон-томир ва

эндокрин тизимларига. Бу эса мобил телефонларнинг зарари жуда катта эканини билдиради.

Мобил телефонлардан нурланишга, айниқса, болалар таъ-

сирчан. Олимлар мобил телефонлардан фойдаланган кичкинтойлар хотира ва уйқу бузилиши хатарига кўпроқ дучор бўлишлари ҳақида огоҳлантирган.

Мобил телефонлардан нурланиш мия ритмларига таъсир этиб, фарзандларимизнинг ривожланиш жараёнида бўлган иммун тизимига зарар етказди. Нурланиш қуйидагиларга олиб келади: хужайра барқарорлиги бузилади, асаб тизими ишдан чиқади, бош оғриғи пайдо бўлади, хотира йўқолади, уйқу қочади.

Бу маълумотлардан аксаримиз хабардормиз. Бироқ телефон зараридан болаларимизни асрашга чин дилдан ҳаракат қилмаяпмиз.

Телефоннинг келтираётган маънавий зарарлари ҳақида мулоҳаза.

Биринчидан, ҳали онги шаклланиб улгурмаган болаларимизни ғарбнинг омалашаётган “маданияти”га ҳамоҳанг “улғайтиради”. Ғарбда одатий ҳол саналган фахш нақадар ёмон иллатлигини ҳис қилмай қўйишади. Оқибатда нафақат фахшни томоша қилувчига, балки иштирокчисига айланишади.


Иккинчидан, мустақил фикрга эга бўлмаган жи-



гаргўшаларимиз онгини нотўғри қараш ва ғоялар билан тўлдиради. Бу ҳолда ялтироқ қоғозга ўраб, уларга тақдим этилаётган “мафкура”лар болаларимизнинг ҳаёт ғоясига айланиб қолади. Бугунги турли ёт ғояларни тарғиб қилиш учун инсон билан юзма-юз кўришиш шарт эмас. Интернет ёрдамида бу ишни бемалол амалга ошириш мумкин.

Учинчидан, **“Мол-дунёда ўзингиздан қуйидагиларга назар солинглар. Ўзингиздан юқоридагиларга назар солманглар. Мана шундай қилишингиз Аллоҳнинг сизга берган неъматини паст санамаслигингиз учун муносиб ишдир”** (Имом Муслим ривояти) ҳадиси шарифига номутаносиб равишда интернет саҳифаларида кўз-кўз қилинаётган ҳаёт, ўқимасдан, тажрибага эга бўлмасдан мўмай даромад топиш ҳақидаги лавҳалар таъсирида ўзига берилган неъматларни паст санаш бошланади, билим ва тажриба ортиришга бўлган қизиқиш сўнади. Зеро, Аллоҳ бандаларини илм олишга чақиради: **«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур»** (Мужодала сураси, 11-оят).

Тўртинчидан, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тўғри баҳо бериш малакасини ҳам йўқ қилади. Чунки қаерга қа-



расак, тарқалаётган хабарларга бирёқлама баҳо бераётган ясама “журналистлар” талайгина. Ёшлар чиғирикдан ўтмаган, асли текширилмаган, ҳеч бир манбага таянмаган хабарларни тўғридан-тўғри олмоқда. Кўп ўринда бу каби асли астарли бўлмаган хабарлар аксар инсонлар ҳаётини издан чиқармоқда.

Бешинчидан, телефон асосий сармоямиз бўлган вақтининг беҳуда сарфига сабаб бўлмоқда. Нафақат болалар, ҳатто катта, оқу қорани яхши билган инсонлар ҳам телефонга бир тикилиб, телеграм, инстаграм, фейсбукни бир “варақлаш”га тушсалар, соатлаб ўша ерларда “қолиб кетишади”.

Тўғри, бугун илм-фаннинг ютуқларидан – телефон, интернетдан ўз ўрнида, унумли фойдаланаётганлар талайгина. Вақтини тежаб онлайн таълим олаётган, янги касбларни ўрганаётган, дунёнинг бошқа бурчидаги инсонлар билан мулоқотга ки-

ришиб, юртимиз равнақига сезиларли ҳисса қўшаётган, билимини ошираётганлар бор. Бироқ аксар кишилар аслида жуда катта имконият манбаи бўлган бу омилларни суистеъмол қилмоқда...

Хулоса шуки, илм-фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан фойдаланиш керак. Фақат бу бизнинг динимизга, маънавиятимизга, соғлиғимизга зарар бермаслиги шарт. Айниқса, болаларимизнинг қўлига телефонни тутқазиб қўйиш, уларни назоратсиз қолдириш катта пушаймонликларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, дилбандларимизни эҳтиёт қилайлик. Уларни назоратга олиб, телефон, интернет, компьютердан тўғри фойдаланишга йўналтирайлик.

Зулайхо СОАТОВА,
Тошкент шаҳар бош имом хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



Ойша бинти Саъд

розияллоҳу анҳо

Ойша бинти Саъд розияллоҳу анҳо мусулмон оилада улғайган. Отаси жаннатийлиги башорат қилинган машҳур саҳоба Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу, онаси Зайнаб бинти Ҳориса розияллоҳу анҳодир.

Ойша бинти Саъд розияллоҳу анҳо кичиклигидан бемалол хонаи саодатга кириб-чиқиб юрар, мўминлар оналарининг дуоларини олган саодатли саҳобиялардан эди.

Бу борада ўзи бундай дейди: «Мен Расулуллоҳнинг завжаларидан олти нафарини кўрдим. Уларнинг ҳузурларида бирга ўтирдим.

Бир гал уларнинг олдига ясаниб боргандим. Ойша розияллоҳу анҳонинг ёнидагилар ундан сўрашди: “Унинг устидаги нарсалар нима?” У эса: “Тилла тақинчоқлар”, деб жавоб берди».

Ойша бинти Саъд розияллоҳу анҳо тақинчоқ тақини яхши кўрарди. У пайтда ҳали зийнатларни яшириш ҳақида оят нозил бўлмаганди. Шу сабабли аёллар тақинчоқларини яширишмасди.

Ойша бинти Саъд розияллоҳу анҳо зукко аёл эди. Отаси Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ўрганган ҳадисларни яхши ёдлаб олганди. Ундан бир неча ҳадис ривоят қилинган. Мерос ҳақидаги ҳадисни ҳам отасидан ўрганган эди. Саъд розияллоҳу анҳудан бундай ривоят қилинади: “Видолашув ҳажидан кейин Маккада касал бўлиб ётиб қолдим. Шу сабабли Расулуллоҳ мени зиёрат қилгани келдилар. Вазиятдан фойдаланиб:

Ё Расулуллоҳ! Кўриб турганингиздек, оғриқларим кучли. Мен бой одамман, қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Бойлигимнинг учдан икки қисмини садақа қилмоқчиман? – дедим.

– **Бўлмайди!** –

дедилар у зот.

– Ярмини садақа қилсам-чи?

– **Йўқ!**

– Учдан бирини-чи?

– **Учдан бири ҳам кўп! Меросхўрингни бой ҳолда қолдиришинг бировларга**

муҳтож, фақир сифатида қолдиришингдан яхшироқ, – дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ алайҳиссалом қўлларини пешонамга қўйдилар. Кейин юзим ва қорнимни силадилар ва бундай дуо қилдилар: **“Аллоҳим, саҳобаларим билан Мадинага қайтишимни насиб эт. Саъдга шифо бер”** (Имом Бухорий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Шу дуо туфайли соғайиб, Мадинага қайтган Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу қабиладошларига жуда кўп яхшиликлар қилди. Қизи Ойша бинти Саъд розияллоҳу анҳо эса ушбу ҳадисни умматга етиб келишига васила бўлди.

«Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссалом билан бир аёлнинг ҳузурига борди. Аёлнинг ёнида хурмо данаги (ёки майда тош) бор эди. Тасбеҳларини улар билан ҳисобларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **“Сенга бундан осонроғини ва фазилатлироғини айтайми? “Кўкдаги махлуқотлар, Ер юзидаги мавжудотлар саноғича Аллоҳга ҳамд айтаман. Осмон билан Ер ўртасидаги яратилар ададича Аллоҳга ҳамд айтаман. Яратиладиган нарсалар саноғича Аллоҳга ҳамд айтаман. Юқорида саналган нарсалар саноғича Аллоҳга ҳам-**





ду сано бўлсин! Яна шунча ададда Алҳамдулиллаҳ, яна шунча ададда Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ”, де” дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Яна Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Ихлос сура-сини ўқиса, Қуръоннинг учдан бирини ўқиган-дек бўлади”**», деб марҳамат қилдилар. (Имом Байҳақий ривояти).

Ойша бинти Саъд розияллоҳу анҳо 84 ёшида Мадинаи мунавварада вафот этган.

Манбалар
асосида

Наманган вилоя-
ти бош отинойиси

**Ашура
ХЎЖАЕВА**
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 август кун қабул қилинган “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан жорий йил 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” ҳамда 17-18 октябрь кунлари Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди.



Жалолуддин Суютий Термизийнинг “Сунан” асарини юқори баҳолаб, қуйидагича таърифлайди: «Имом Термизийнинг “Сунан” асари бобларга бўлинган. Бу ҳам бир илм. Асардаги фикҳ – ҳуқуқшунослик масалалари ҳам бир илм. Саҳиҳ билан сақимни ажратишлари ҳам бир илм. Улар ўртасидаги ҳадис турларини зикр этиш ҳам бир илм. Ровийларнинг номлари ва лақаблари ҳам алоҳида бир илм. Жарҳ ва таъдил, Расулуллоҳни топган ва топмаган ровийларни белгилаш, иснодли ривоят – ҳаммаси ижмолий илм турларидир. Хуллас, бу асар қимматли жиҳатлари кўп мажмуадир».

Улуғ муҳаддис бобомизнинг «Сунани Термизий» асаридан аёлларга хос масалалар баён этилган ҳадисларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Аёл ҳам эҳтилом бўладими?

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Милҳон қизи (Абу Талҳанинг хотини) Умму Сулайм Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, айтдики: “Ё Расулуллоҳ! Аллоҳ таоло ҳақ нарсани сўрашдан уялишни буюрмайди! Агар хотин киши уйқусида эркак киши кўрган нарсани кўрса (яъни эҳтилом бўлиб қолса), ғул лозим бўладими?” Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа, агар сув (маний) келганини кўрса, ғул қилсин”, дедилар. Умму Салама айтади: Унга: “Эй Умму Сулайм! Аёлларни уятга қўйдинг-ку!” дедим» (Абу Исо Термизий бу ҳадисни ҳасан-саҳиҳ деган).

Фақиҳларнинг яқдил (умумий) қавли будир: “Аёл киши эҳтилом бўлса ва маний келса, ғул қилмоғи лозим”. Саврий ва Шофеъий ҳам шундай дейди. Бу бобда Умму Сулайм, Ҳавла, Ойша ва Анас розияллоҳу анҳумдан ҳадис ривоят қилинган.

Нифос қирқ кундан ошса...

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. У дедики: «**Нифос кўрган (туққан) аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қирқ кун ўтирар эди. Рангимиз қочганидан юзларимизга варс (заъфарон ўсимлиги)дан ишқаб, сурар эдик**».

Абу Исо дедилар: Бу ҳадис ғариб. Буни фақатгина Абу Саҳлнинг Мусса ал-Аздийядан, Умму Саламадан қилган ривояти орқали биламиз. Абу Саҳлнинг номи – Касир ибн Зиёд.

Муҳаммад ибн Исмоил (Бухорий) айтадики: “Али ибн Абул Аъло ишонарли кишидир ва Абу Саҳл ҳам ишонарлидир”. Муҳаммад (Бухорий) бу ҳадиснинг фақат Абу Саҳлнинг ривоятини билади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеинлардан илм аҳллари ва улардан кейинги олимлар, туққан (нифос кўрган) хотин қирқ кун намозини тарк этади, деб иттифоқ қилганлар. Фақат бу муддатдан олдин покланса, ғул қилиб, намозини ўқийверади.

Давоми 11-саҳифада.



Аёлларга ҳуқуқ берган дин

Ҳуқуқи ҳимоя қилинган жамиятда инсон саодатли яшайди. Давлатимизда аёл ва эркакларнинг эркинлиги таъминланган. Хусусан, Конституциямизнинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деб белгиланган. Шунингдек, Конституциянинг 24-43-ва 46-моддаларида ҳар жиҳатдан тинчлик, эркинлик масалалари қамраб олинган.

Тарихга назар солсак, кўпинча нозик жинс вакиллари камситилганига гувоҳ бўламиз. Қадимги Хитойда аёл одам ўрнида кўрилмаган. Антик Юнон даврига назар ташланса, эркакнинг аёл устидан чекланмаган ҳукмронлиги кўрилади. Аёллар худди кул каби олиниб, сотилган.

Самовий бўлмаган динларда аёлга барча гуноҳ, фитна ва бузуқликларнинг онаси, ёмонлик манбаи деб қаралган. Кейинчалик бузилган динларда ҳам Одам алайҳиссаломнинг тақиқланган мевани ейишига Ҳавво онамиз сабабчи де-



ган эътиқод шаклланган.

Исломдан аввалги араб жамияти қарашларига кўра насабни фақат эркак давом эттиради, деб қаралган. Дунёга келган қизнинг ҳеч қандай қадр-қиммати бўлмаган. Бундан ташқари, қиз фарзанд туғилиши шармандалиқ ҳисобланган. Аёллар эрларининг қиз фарзандларини тириклай кўмиб юборишларини билишларига қарамай, бу ҳолатга қарши турулмаган. Бу жамиятда аёлнинг энг асосий вазифаси фарзанд туғиш бўлган. Аёл, хусусан, ўғил фарзанд дунёга келтирганида қадр топган ва баъзан хизматчи, баъзан эса фақат фарзандларига қарайдиган энага сифатида қабул қилинган. Бу тушунча ҳукмрон бўлган қабилаларда аёл на оилада, на жамиятда қадрланмаган.

Ислом дини эса аёлни эркакдан ажратмаган ва уни, айниқса, жоҳилият давридан келиб чиққан салбий муносабатлардан қутқарган. Қуръони каримда аёл ҳақида оятлар нозил қилинган. Оятлар “Эй одамлар” ёки “Эй иймон келтирганлар” деган мурожаат билан бошланади. Бу тушунчада жинс, тил ёки ирқдан қатъи назар, барча одамлар тенгдирлар. Қуръон келтирган ушбу ёндашув жуда кескин ижтимоий табақаланиш бўлган, аёллар қадрсиз кўрилган жоҳилият жамияти учун бурилиш нуқтаси бўлди. Масалан, Қуръони карим қиз болаларни тириклай кўмаётган араб жамиятига қуйидагича жавоб беради: **«Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазоби келиб, юзлари қорайиб кетади». У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг “ёмон”лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлингизки, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир»** (Наҳл сураси, 58-59-оятлар).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларига бўлган муносабатлари, уларни қадрлашлари Исломда аёл қанчалик қадр топганини кўрсатади. Видолашув хутбасида: **“Эй одамлар! Аёлларнинг ҳуқуқларига риоя қилишингизни ва бу борада Аллоҳдан қўрқилишингизни**



тавсия қиламан. Сизлар аёлларни Аллоҳнинг омонати сифатида олдингиз", деб марҳамат қилганлар, эркакларни аёлларга муносабатлари борасида огоҳлантирганлар.

Муовия ибн Жоҳима розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Жоҳима Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг расули, ғазотни ирода қилдим ва сизга маслаҳат қилгани келдим”, деди. У зот: **“Онанг борми?”** дедилар. У: “Ҳа”, деди. Пайғамбаримиз: **“Унинг хизматларини қил, жаннат унинг оёқлари остидадир”**, дедилар» (Имом Насоий ва Имом Ҳоким ривояти).

Ислом дини аёлларга ҳеч бир дин ва мафкура бера олмаган қадрни берди. Аёлларни доимий отаси, акаси, эри, ўғли, амакиси, тоғаси ҳимояси остида қилди. Аёллар устида бу ҳимоячиларнинг бири бўлмаса, бошқасини масъул этди. Улар аёлнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари таъминотига жавобгар бўлди. Ислом буйруқ ва қайтариқларда эркагу аёлни тенг кўрди, ҳукмларни тенг жорий қилди. Жамият ривожини учун эркак ва аёлга ўз тузилиши, хилқатидан келиб чиқиб ҳуқуқ ва мажбуриятларни бердики, уларни адо этиш билан жамият ривожланишини, гуллаб-яшнашини таъминлади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Конституциямиз кўп жиҳатдан динимиз билан уйғундир.

Комила АБДУВАЛИЕВА,
“Ҳадичаи Кубро” аёл-қизлар
ўрта махсус ислом таълим
муассасаси ўқитувчиси

Давоми. Бошланиши 9-саҳифада.

Қирқ кундан кейин қон кўрса, илм аҳллариининг кўпи: “Қирқ кундан кейин намозини тарк этмайди”, дейди. Фақиҳларнинг кўпининг ҳам фикри шудир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофеъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

Изоҳ: Нифоснинг оз муддатига белги йўқ, энг кўп муддати қирқ кундир, қирқ кундан ўтса, беморликдан келган қон бўлади (“Мухтасар”).

Кийимга ҳайз қони тегса...

Асмо бинти Абу Бакрдан ривоят қилинади: «Бир хотин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан кийимга ҳайз қони тегиб қолиши борасида сўради. Шунда у зот айтдилар: **“(Аввал қонни) ишқалаб ташла, кейин сув билан (ҳўллаб) юв, кейин устига сув қуйиб тозала, сўнг ўша кийимда намоз ўқий-вергин”** (Абу Исо Термизий бу ҳадисни ҳасан-саҳиҳ деган).

Кийимга қон текканда уни ювмасдан намоз ўқиган киши ҳақида илм аҳли ихтилоф қилдилар. Тобеинлардан баъзилари: “Қон бир дирҳам (танга) миқдоридан бўлса, уни ювмасдан намоз ўқиган бўлса, намозини қайта ўқийди”, дейишди. Баъзилари эса: “Қон бир дирҳам миқдоридан кўп бўлса, намозини қайта ўқийди”, дейишади. Суфён Саврий ва Ибн Муборакнинг қавли шудир. Тобеинлар ва бошқалардан баъзи илм аҳлининг фикрича, қон бир дирҳам миқдоридан кўпроқ бўлса ҳам, намозини қайтиб ўқиш лозим бўлмайди. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Шофеъий айтади: “Бир дирҳам миқдоридан оз бўлса ҳам, ювилмоғи лозим”. Бу хусусда у киши қаттиқлик кўрсатган.

Изоҳ: Дирҳам деб эскидан қўлланиб келган тангага айтилади. Ҳазрати Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, у киши қоннинг миқдорини тирноқлари билан кўрсатган эди. “Ал-муҳит” китобида шарҳланишича, ҳазрати Умарнинг тирноғи салкам бизнинг кафтимизча эди. Ана шу (далил) кийимга теккан қон дирҳамдан оз бўлса, намозга монелик қилмаслигига далолат этади (“ал-Айний”).

Бир дирҳам миқдори, бир ривоятга кўра, саҳиҳ шуки, дирҳам юзи ўлчами эътибори иладир. Бу эса ҳовуч ичи кенглигичадир (“Ҳидоя”).

Абу Исо Муҳаммад ТЕРМИЗИЙ
“Сунани Термизий” асаридан
Мирзо Кенжабек таржимаси



Назар бор нарсадир

Атрофимизда шариятимиздаги кўрсатмаларни билмаслик оқибатида ота-боболаримиздан қолган урф-одат, дея кўр-кўрона бидъат-хурофот ва иримларга амал қилиб келаётганлар бор. Хусусан, ёш болаларга назар, кўз тегишининг олдини олиш, уларни жинларнинг зараридан сақлаш учун тумор, кўзмунчоқ каби нарсаларни тақиш, боланинг ёстиғи остига пичоқ қўйиш, юзига қора (куя, қалам, сурма кабилар) суртиш, болага ивиган гуручнинг сувидан сепиш кабилар шулар жумласидан.

Бу ишлар моҳиятида Аллоҳдан ўзгадан паноҳ сўраш борлиги учун уларни бажариш шариятимизда ҳаром ва ширк саналади. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳнинг ривоятига кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тумор тақишга рухсат бермаганлар. Имом Абу Довуднинг “Сунан”ида у зот алайҳиссалом: **“Тумор ва сеҳр ширкдир”**, дея огоҳлантирганларни ривоят қилинган.

Ойша розияллоҳу анҳонинг ҳузурига бир гўдакни олиб келишди. Ойша онамиз гўдакни қўлига олиб, унинг

ёстиғи-

ни тортган эди, тагидан пичоқ чиқиб қолди. Ойша розияллоҳу анҳо: “Бу нима-си?” деб сўради. “Болаларнинг ёстиғи тагига жин-пин тегмасин, деб пичоқ қўйиб қўямиз”, дейишди. Шунда Ойша онамиз розияллоҳу анҳо пичоқни олиб, ташқарига улоқтириб юборди ва: “Бошқа бундай қилманглар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай шумланишни ёқтирмас эдилар, бундан аччиқлари чиқар эди”, деди.

Назар, кўз тегиши бор гап. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда: **“Назар ҳақдир”**, дея марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти). Яъни, кимларнингдир назари ёки ҳасади жисмоний ва маънавий жиҳатдан зарар етказиши – ҳақиқат. Шунинг учун ҳам “жаннат райҳонлари” бўлган болаларни кўриб, кўзи-

миз қувнаганида Каҳф сура-сида келтирилган: “Машааллоҳ, лаа ҳавла ва лаа қувата илла биллаҳ”, дейишимиз мустаҳаб саналади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўз тегишига қарши Фотиҳа, Фалақ, Нас сураларини ва “Оятул курсий”ни ўқиш паноҳланганлар. Фарзандлари, аёлларига ҳам шундай қилишни ўргатганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Уммат уламолари Қуръони карим оятлари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиш юрган дуо ва зикрлар билан беморларга дам солиш жоизлигига, ҳатто суннат эканига ижмо қилишган.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги дуони ўқиш, икки набиралари Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумога дам солардилар:

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَ
هَامَّةٍ وَمِنْ كُلِّ عَيْنٍ لَأَمَةٍ

Ўқилиши: **“Аъузу бикалимаатиллааҳит тааммати мин кулли шайтонин ва ҳааммаҳтин мин кулли ғайнин лаамматин”**.



Маъноси: “Аллоҳнинг мукамал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан сизларга паноҳ тилайман”.

Сўнгра: **“Бу дуо билан отангиз (Иброҳим) алайҳиссалом икки ўғиллари Исмоил ва Исҳоқ алайҳимассаломга ёмонликдан паноҳ тилаб, дам солар эдилар”,** дердилар (Имом Бухорий ривояти).

Биз ҳам фарзандларимизни назардан сақлаш, кўз тегишининг олдини олиш учун уларга юқорида кўрсатилганидек дам солишимиз, агар ёдлай олсалар, уларга ушбу сура ва дуоларни ёдлатишимиз, шу тарзда суннатга мувофиқ суқ кириши, назар тегишидан паноҳланишимиз мумкин. Шундай қилсак, ҳам зарарни ўзимиздан даф қиламиз, ҳам суннатга амал қилиш орқали савобга эришамиз. Аксинча бўлса, беҳуда нарсаларга бебаҳо умримизни сарфлаб, ўзимизга гуноҳ орттириб, зарар кўрамиз, холос.

Шундай экан, туморлардан, кўзмунчоқлардан, пичоқ силаш, хол қўйиш каби иримлардан воз кечайлик, улардан “нажот” сўрашни ташлаб, ёлғиз Аллоҳга юзланайлик.

**Муслима
НОСИРИДДИНОВА,**
Жаҳон тиллари
университети талабаси.

Тафаккур кучи

Қизчанинг отаси қамоқда эди. У онаси билан тез-тез у ерга бориб, уни кўриб турарди. Бир куни отаси учун чиройли расм чизиб олиб борди. Фақат текширув асносида қамоқхона қоидаларига тўғри келмайди, дея расмни олиб киришга рухсат беришмади. Чунки расмда қушлар тасвирланганди. Улар эса озодликни англатарди. Қамоқхонада озодлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?!

Учрашув асносида қизини хафа ҳолда кўрган ота бунинг сабабини сўради. Воқеани эшитгач, уни бағрига босиб юпатди: “Хафа бўлма, қизалоғим, сен аввалгисидан ҳам чиройлироқ расм чиза оласан”.

Бир муддатдан кейин қизча яна отасини кўришга келди, қўлида расм. Унда катта бир дарахт, дарахт шохларида эса сонсиз-саноқсиз нуқталар бор эди. Олиб киришга рухсат берилди. Расмни кўрган ота: “Қандай чиройли ва каттакон дарахт чизибсан! Дарахтдаги нуқталар нима, олмами?” деди қизиқиб. “Жиммм! Отажон, булар олма эмас! Дарахт шохларига қўниб, яшириниб олган қушлар!” – пичирлаб жавоб берди қизалоқ.

Хулоса шуки, гоҳида ҳаётда инон-ихтиёримиз қўлимиздан олиниши мумкин. Фақат тушунчаларимиз ва хаёл кучимиз эркиндир. Қаршилиқ қанчалик улкан бўлмасин, зеҳнимиз доимо янги йўллар топишга қодир. Уни бироз ўзимиз эркин қўйсак, бас...



Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таолонинг изни билан кишига кўз тегаети, ҳатто кўз теккан одам баланд тоққа кўтарилиб, ўзини пастга улоқтиришгача боради”,** дедилар.

Имом Аҳмад ва Имом Табароний ривоятлари.



ТАЪЗИЯ БЎЛСА, КЕЛИН ҲАМДАРД ЭМАСМИ?

САВОЛ: Бачадоним олиб ташланган. Баъзи вақтларда, ҳатто одат кунларида ҳам қон кўряпман. Бу ҳолатда нима қилишим керак?

ЖАВОБ: Бачадони олиб ташланган аёл кўрган қон ҳайз бўлмайди. “Ҳайз – бемор бўлмаган, туғиш ёшидан ўтмаган ва балоғатга етган аёлнинг бачадони чиқарадиган қондир” (“Мухтасарул виқоя” китоби). Сиз шифокорларга мурожаат қилинг. Агар шифокор бачадоннинг бир қисми қолган, қон ундан келмоқда деса, камида уч кун келган қон ҳайз бўлади. Шифокор бачадон тўлиқ олинган деса, келган қон ҳайз бўлмайди. Бу ҳолда сиз даволанишингиз керак.

САВОЛ: Жарроҳлик амалиёти билан боласини бағрига олган аёлдан нифос қони келмаса ҳам (одатда аёллар нифосдан тоза бўладиган муддатгача) намоз ўқимай, рўза тутмай турадимизми?

ЖАВОБ: Жарроҳлик амалиёти билан боласини бағрига олган аёлдан нифос қони келмаса намоз ўқишни,

рўза тутишни тўхтатмайди. Агар аёлнинг боласи киндигидан чиқса ва ундан қон оқса, у аёл нифосда ҳисобланмайди. Агар кейин унинг қинидан қон келса, аёл нифосда ҳисобланади” (“Фатавойи Оламғирия”).

САВОЛ: Мен талоқ иддасида ўтирганимда иккинчи ҳайздан кейин эрим яна талоқ қилди. Биринчи талоқдан кейин ўртамизда на никоҳ, на яқинлик бўлди. Менинг иддам қачондан ҳисоб бўлади? Биринчи талоқданми ё иккинчисиданми?

ЖАВОБ: Сиз сўраганингиз ҳолатда биринчи талоқдан кейин идда ўтирган аёлни эри яна талоқ қилса, у янгидан идда ўтирмайди, яъни давом эттиради, унинг иддасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Биринчи талоқ иддаси тугагач, яна қайта идда ўтирмайди. Сизнинг ҳолатингизда яна бир ҳайздан сўнг иддангиз тугайди.

САВОЛ: Аёл киши талоқдан кейин идда ўтирган-да эри вафот этса, эри ва-

фот этгани учун бошқа идда ўтирадимизми?

ЖАВОБ: Агар сиз сўраган ҳолат бу ҳолатлардан бири бўлса:

– Аёл ражъий талоқ иддасида ўтирганда эри вафот этса, унга эри ўлган аёл иддаси бўлади, яъни у аёл эри вафот этган кундан бошлаб, тўрт ою ўн кун идда ўтиради.

– Эр соғлом вақтида аёлини боин ё уч талоқ қилгач аёлнинг эри вафот этса, аёлнинг ўтирган иддаси ўзгармайди.

– Эр ўлим тўшагида ётган вақтида аёлини боин ёки уч талоқ қилгач, аёлнинг иддаси тугамай эри вафот этса, аёл талоқ ва ўлим иддасидан қайси бири узоқ бўлса, ана шунча идда ўтиради. Яъни, тўрт ою ўн кун ўтмай уч ҳайз кўрса иддаси тугамайди, балки эри ўлгандан тўрт ою ўн кундан сўнг иддаси чиқади. Сўнг ҳали иккинчи ё учинчи ҳайзни кўрмаган бўлса, тўла уч ҳайз кўргач иддаси чиқади.

САВОЛ: Айрим жойларда оқ сурпга Қуръони карим оятларидан ёзиб кафанга солиб қўйишади. Бу Қуръо-



ни каримга нисбатан ҳурматсизлик бўлмайdimи?

ЖАВОБ: Ҳа, ҳурматсизлик бўлади. Чунки маййитнинг танаси ўзгариб, қони оятларга тегади. Шунинг учун ундай қилмаслик керак. Маййитга қабрда фойда берадиган нарса унинг солиҳ амаллари ва ортда қолганларнинг дуо, истифғоридир.

САВОЛ: Водий томонларда таъзия бўлган хонадондаги келин етти-саккиз кун отасиникида туриб келиши шарт қилинган. Бунинг асоси борми?

ЖАВОБ: Йўқ. Унинг динимизга алоқаси йўқ. Кўп жойларда жаноза, таъзияга алоқадор ишларда жуда ҳам кўп ана шундай асоссиз ишлар тарқаб қолган. Агар “У ишлар динимиз кўрсатмаси” деб қилинса, бидъат бўлади. Унутманг, ҳар бир бидъат залолат, тўғри йўлдан оғишдир.

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у қабул қилинмайди”**, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

САВОЛ: Баъзи жойларда умра сафаридан келган аёллар биринчи ота-онасининг уйига бориб, икки ракат нафл намоз ўқиши

керак, деган гап бор. Уйига қайтгач, зиёратчиларнинг қирқ кун чилла ўтириши ҳам урф бўлмоқда. Динимизда ана шу ишлар кўрсатилганми?

ЖАВОБ: Динимизда ундай кўрсатмалар йўқ. Ҳар қандай сафардан қайтгач, уйда икки ракат нафл намоз ўқиш жоизлиги ҳадиси шариф билан ворид бўлган. Нафл намозларни ўзгалар кўз ўнгида ўқимаган яхши.

САВОЛ: Маҳсига масҳ тортиш ҳақида маълумот берсангиз?

ЖАВОБ: Маҳси таҳорат олингандан сўнг кийилган бўлса, кейинги таҳоратда унга масҳ қилиш мумкин. Масҳ маҳсининг устки қисмига тортилади. Муғийра розияллоху анҳу айтади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам маҳсиларининг устига масҳ тортганларини кўрганман” (Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривоятлари).

Пайғамбар алайҳиссалом: **“Маҳсига масҳ тортиш муддати мусофир учун уч кеча-кундуз, муқимга эса бир кеча-кундуздир”**, деганлар (Имом Аҳмад ва Имом Муслим ривоятлари).

Маҳсига қилинган масҳни тўрт нарса бекор қилади:

1. Муддатнинг тугаши.
2. Жунуб бўлиш.
3. Маҳсининг ечилиб кетиши, яъни товоннинг чиқиб кетиши.

4. Оёқнинг кичик уч бармоғи кўринадиган тешик.

Бундай ҳолатларда маҳсини ечиб, оёқни ювиш лозим бўлади.

САВОЛ: Ҳожатдан кейин авратни сув билан эмас, нам сочиқча билан поклаш мумкинми?

ЖАВОБ: Нажосат чиққан жойидан атрофига ёйилмаган бўлса, қоғоз, тош каби нарсалар билан тозаланиш мумкин. Агар дирҳам (ката танга) миқдоридан кўп ёйилган бўлса, сув каби суюқлик билан поклаш лозим бўлади. Чунки бундай ҳолат баданга нажосат теккан ҳукмида бўлиб, уни фақат ювиш билан кетказилади.

“Тош (кесак) билан истинжо қилишнинг ўзи билан кифояланиш ахлат ёки бавл чиққан жойидан ташқарига ёйилмаган ҳолатда жоиз бўлади. Агар ахлат ёки бавл нажосат ўрнидан атрофига дирҳам миқдоридан кўп ёйилса, сув билан ювиш фарз бўлади. Тош билан кетказиш кифоя қилмайди (“Фатавойи Оламғирия” китоби). Суюқликдан бошқа барча нарсалар, ҳатто у нам нарса бўлсин, тош билан бир хил ҳукмда бўлади.

Ўзбекистон
мусулмонлари идораси
Фатво маркази
Тел:(78) 150-33-44



Гўдакларга зулм қилишдан сақланайлик

зим тутиб, никоҳ билан ҳалол-пок оила қуриб яшаш, эр-хотин ўзаро келишув билан ҳуқуқ ва бурчларига риоя қилиши икки дунё саодатига эриштиради.

Олимларнинг ҳисоб-китобича, Ер юзида бир сонияда икки гўдак дунёга келади. Демак, ҳар сонияда икки нафар аёл оналик бахтига муяссар бўлади.

Эй айрим бағритош аёллар! Фарзандингизга шафқат қилинг! Оналикнинг комил сифатига ва ажру савобига эришиш учун болангизни эмилинг! Болангизнинг тарбияси билан ўзингиз шуғулландинг! Унутманг, оналик улкан масъулиятдир. Ундан бош тортманг! Ҳатто ақлсиз мавжудотлар ҳам туғиб, боласини қаровсиз ташлаб кетмайди. Жўжасини қаровсиз қолдирган бирор паррандани кўрганмисиз? Наҳот тилсиз ҳайвончалик оналик туйғусига эга эмассиз? Агар ўзингизни чин мусулмон деб билсангиз, гўдакларга зулм қилишдан сақлангиз. Аксинча, уларга гўзал таълим-тарбия бериб, дуо қилишга ўргатинг. Иложини топсангиз, уларнинг дуоларини олинг.

Отабек ЙЎЛДОШЕВ,
Фориш тумани
бош имом-хатиби

Бир куни мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Мадинаи мунаввара кўчаларида чопқиллаб юрган ёш болани кўриб қолди. Ва унга:

– Эй бола! Ҳаққимизга дуо қилгин, Аллоҳ таоло бизга раҳм қилсин, – деди. Шунда саҳобалар:

– Эй мўминлар амири, гўдакдан дуо сўраяпсизми? Ахир сиз жаннат башорат қилинган ўн кишидан бири-сиз-ку! – дея ажабланишди. Шунда ҳазрат Умар розияллоху анху:

– Ҳа, мен ундан дуо қилишини сўраяпман, чунки у балоғат ёшига етмаган. Ҳали унинг амаллар китобига қалам юргизилмаган. Шунинг учун унинг дуоси қабул бўлади. Аммо биз мукаллаф ёшдамиз, бизнинг устимиздан қалам юргизилган, – деб жавоб қилди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай дейди: “**Эй инсонлар, болаларингизни қашшоқликдан қўрқиб ўлдирмангиз – уларга ҳам,**

сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир” (Исро сураси, 31-оят).

Оятда зикр қилинган салбий ҳолатлар жоҳилият даври билан боғлиқ бўлса-да, бугунги кунда фарзандларига зулм қилаётган ота-оналар учраб туради.

Фарзанд Аллоҳ таоло ато этган улуғ неъмат бўлиб, ота-она доим унинг шукрини адо қилиши лозим. Баъзан арзимаган сабабларга кўра ҳомиласини олдираётган, чақалоғини сотаётган ёки уни пана жойларга, чиқиндихоналарга ташлаб кетаётган, эри билан жанжаллашиб, болаларининг жонига қасд қилаётган аёллар ҳақида эшитамиз.

Тўғри, бунда масъулиятсиз эркакларнинг ҳам айби бор. Улар ҳам бу гуноҳга шерик. Лекин оналик бахтига етишган аёл ўз фарзандини сотмаслиги, ҳалокатга маҳкум этиб, ташлаб кетмаслиги, унинг жонига қасд қилмаслиги керак!

Бу муаммонинг ечими, аввало, гуноҳлардан сақланишдир. Одоб-ахлоқ ва ҳаёни ло-



Ҳар бир дақиқа, соат, кун, ой, йил – барчаси биз учун кадрли. Баъзан биз аҳамият бермаётган лаҳзалар кимлар учун орзу, кимлар учун армон. Шу сабабли инсон ҳаётининг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиб, кўп-кўп яхши амаллар қилиши керак.

ҳам айнан вақт ҳақида экани ҳадисларда таъкидланган. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Банда қиёмат кунини тўрт ишдан сўралмагунча бир қадам ҳам олдинга силжий ол-**

ратлари: “Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади”, дейди.

Хулоса қилсак, вақт тушунчасида ўтмишдаги фойдали нарсалардан ибрат олиб, салоҳиятли аجدодларнинг манфаатли ишларини давом эттириб, бугуннинг ҳаққига риоя қилиб, кундалик вазифаларимизга бефарқ бўлмай, ўтказган ҳар бир кунимиз борасида ўзимизни мунтазам сўроққа тутишимиз лозим. Биз учун олтидан қиммат бебаҳо вақтимиз, ҳар бир нафасимиз ҳисоб-китоби эканини унутмайлик!

Тўрт саволдан ИККИТАСИ...

Аллоҳ таоло бандаларини Ўзининг бебаҳо неъматларидан бири бўлган вақтнинг қадрлашга, унинг аҳамиятини қалбдан ҳис этишга чақиради. Қуръони каримда инсонларнинг вақт ўлчовларини билиб олишлари учун қуёш ва ой яратиб қўйилган: **“У эслатма олмоқчи ёки шукр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни (бир-бирига) ўринбосар қилиб қўйган Зотдир”** (Фурқон сураси, 62-оят). Яъни, Аллоҳ таоло кеча ортидан кундузни, кундуз ортидан эса кечани келади-ган қилиб қўйди.

Ҳисоб-китоб кунда бандага бериладиган асосий тўрт саволдан иккитаси


майди. Бу саволлардан биринчиси, умрини нима билан ўтказгани, иккинчиси, ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани, учинчиси, мол-дунёни қай йўсинда (қайси касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани, тўртинчиси, илмига қандай амал қилгани”, дейилади (Имом Баззор ва Имом Табароний ривояти).

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Бошлаётган ҳар бир кун бундай нидо қилади: “Эй одам боласи, мен янги кунман, сенинг амалингга гувоҳман, мендан фойдаланиб қол, агар ўтиб кетсам, қиёмат кунигача қайтмайман”».

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаз-

**Муродуллахон
НУРИДДИНОВ,**

Қамаши тумани
“Қоратепа” жоме масжиди
имом-хатиби





Башарият онаси

Илк аёл, илк рафиқа, илк она, илк пайғамбарнинг аёли! Ибодат қилган, сажда қилган, жаннатга кирган биринчи аёл! Имтиҳон қилинган, хато қилган, тавба қилган, тавбаси қабул қилинган илк аёл! Дунёга келган илк аёл, боласи билан синалган илк она. Илк мақтул ва илк қотилнинг онаси...

Ҳавво онамиз ҳаётларини яқиндан ўрганиб, Аллоҳ бизга англатмоқчи бўлган жиҳатларни яхшилаб тушуниб олсак, кўплаб хатоларнинг олди олинади. Зеро, ушбу мавзудаги баҳс ва суҳбатларга асоссиз маълумотлар аралашиб, аёлларга паст назар билан қаралгани, уларга айблар юклангани бор гап.

Бақара сураси 35–38-оятлари, Нисо сураси 1-ояти, Аъроф сураси 19–25, 189-оятлари, Тоҳо сураси 117–129-оятлари Одам Ато ва Ҳавво онамиз ҳақида.

Ояти карималарни ўқирканмиз, қуйидагиларни англаймиз:

1. Ҳавво онамиз Одам Ато билан барча имтиҳонлардан биргаликда ўтди. Одам билан бир

хил масъулиятни зиммасига олди. Яъни, бу ўринда аёллар чиқариши керак бўлган сабоқ – эркакми, аёлми – барчанинг синовии бир хил. Аёл бўлгани уни масъулиятдан озод этмайди. Аллоҳнинг амрлари эркаклар қатори аёлларга ҳам тааллуқлидир. Оналик, аёллик вазифаларини бажаришни баҳона қилиб ибодатдан, Яратганга итоатдан бўйин товлаб бўлмайди.

2. Шайтон фақатгина Ҳавво ни эмас, Одам Атони ҳам алдади. Шайтони лаин ҳар иккисини ҳам тўғри йўлдан тойдирди. Шайтон иккаласини бирдан адаштирганини оятлардан ўрганиш мумкин. Аллоҳ огоҳлантирганига қарамай, иккиси шайтон васвасасига учиб, гуноҳ қилдилар.

3. Ҳавво онамиз бир бутуннинг ярми сифатида яратилди (Нисо сураси, 1-оят). Ҳавво ва Одам инсон жинсининг илк намуналаридир.

4. Инсон сифатида Одам Ато ҳам, Ҳавво онамиз ҳам айни қобилият ва заифликларга эга эди. Ҳар бир инсоннинг, хоҳ аёл

бўлсин, хоҳ эркак бўлсин, учта асосий имтиҳони бор. Мавқе, мол-дунё ва қарши жинс вакилига эҳтиёж. Бу нарса гоҳида аёлларда кучли бўлади, баъзида эркакларда. Бандамиз, гоҳида ана шу синовлар қаршисида ожиз қоламиз.

5. Одам ва Ҳавво хато қилганларидан кейин бир-бирларини айбламади, биргаликда ундан қайтишга ҳаракат қилди. Шайтон кибрга берилганини ёдга олайлик. Дарҳол ўз “важи”ни кўрсатди: «(Аллоҳ) айтди: **“Сенга буюрганимда сажда қилишингга нима монелик қилди?”** У деди: **“Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни эса) лойдан яратдинг”**» (Аъроф сураси, 12-оят). Одам Ато ва Ҳавво онамиз эса дарҳол тавба қилдилар: **«Иккиси айтдилар: “Эй Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз”**» (Аъроф су-





раси, 23-оят). Одам фарзандларидан Аллоҳнинг кутгани ҳам шу!

Бугун на Ҳаввонинг қизлари оналаридек йўл тутяпти, на Одамнинг ўғиллари. Бир муаммога дуч келинганида: “Биз бу хатони бирга қилдик. Менинг ҳам гуноҳларим, камчиликларим бўлди”, дейдиган одамнинг йўқлиги оилаларни ичдан емирмоқда. Ҳавво қиссасидаги ана шу жиҳатини ҳаётимизга татбиқ этолсак, қанча оилалар парокандаликдан сақланади.

Ҳавво Одам Атонинг ҳамроҳи, хотиржамлик манбаи, руҳий далда оладиган киши-си, ёстикдоши эди. Аллоҳ ҳар иккисини хотиржам бўлишлари, бир-бирларига “либос” бўлишлари учун яратди. Бугунги оила қураётган ёшлар шуни унутмасликлари лозим. Бири-бирининг хизмати учун, бири-бирининг орзуларини амалга ошириш учун эмас, бир-бирларига кўмак берган ҳолда дунё имтиҳонидан ўтишда ёрдамчи сифатида яратди.

Одам Ато ҳам, Ҳавво онамиз ҳам дунёда бирдай имтоҳон қилинади. Иккисининг ҳам душмани шайтон. Дунёда яшаш, Яратганнинг синовларидан ўтишдаги асосий мақсад шайтонга енгилиб қолмасликдир...

Барчамиз Одам Ато ва Ҳавво онамизнинг фарзандларимиз. Барчамизнинг вазифамиз улар каби итоатда бўлиш. Яъни, Одамнинг ўғиллари оталаридай одам бўлишлари лозим. Ҳаввонинг қизлари Ҳавво каби...

Хўш, биз аёллар Ҳавво онамиз каби бўла оламизми?! Ҳа, иймонни нафас каби ичимизга симирганимизда... Ўз уйимизга меҳр, завжимизга хотиржамлик, болаларимизга раҳм-шафқат кўрсата олганимизда... Хатоларимиздан дарс олиб, унутганимизда... Дойимо умид билан яшаганимизда... Ҳар қандай шароитда завжимизнинг ёнида бўлиб, унга энг катта ёрдамни берганимизда... Синовлар қанчалик оғир бўлмасин, сабр қилганимизда... Шайтон билан курашиб нафсимизни енгганимизда...

Нигора МИРЗАЕВА
тайёрлади.



Айтиш осон, англаш қийин

Аёлнинг “Қирқта жони бор” дейишади. У чарчаш нималигини билмайди, аёл тарбиячи, мураббий, фаррош, ошпаз, хизматчи, рафиқа, келин, она... Унинг бу меҳнатларига биргина ширин сўз кифоя. Мабодо, хизмати муносиб баҳоланмаса ҳам кўз ёшларини артиб, янги кунни янги умидлар билан кутиб олаверади.

Телекўрсатувларнинг бирида психолог аёлнинг сўзларини эшитиб қолдим: “Эрингиз ишга кетаётганида чиройли кийиниб, гўзал муомала билан жўнатинг. У тарозининг битта палласига аёлини, иккинчи палласига кўчада чиройли кийинган аёлни қўяди ва солиштиради” ва ҳоказо...

Сиз бу тавсияни кимга айтяпсиз? Уйида хизмат қилувчи, кир юувчи, бола боқувчи, ош-овқат тайёрловчи, фарзандларига дарс қилдирувчи бахтиёр аёлларгами хитобингиз? Агар шундай бўлса, хато қиласиз.

Эркакларнинг баъзилари аёли кийиниб, сочини тараб турса ҳам, ҳурлиқолар йўлда қолар даражада гўзал бўлса ҳам, қиларини қилаверади. Ундайларни Аллоҳ тўхтатмаса, банда тўхтатолмайди. Ўзи инсоф берсин!

Ҳақиқий жўмард эркаклар аёлининг рўзғордаги ишини енгиллаштиришга, ҳадялар билан хурсанд қилиш ҳаракатида бўлади. Болаларининг онасини кўчадаги таннозларга қиёсламайди...

Нуртож САЙДОЛИМ қизи



Дуолар қўрғони

(Давоми. Бошланиши
ўтган сонларда.)



**Сизга яхшилик қил-
ганга бундай дейсиз:**

جَزَاكَ اللهُ خَيْرًا

«Жазакаллоҳу хойрон».

Маъноси: “Аллоҳ сизни ях-
ши мукофот(лар) билан сий-
ласин”.

Сафар чоғида

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبِرَّ
وَالْتَّقْوَىٰ. وَمِنَ الْعَمَلِ مَا تَرْضَىٰ.
اللَّهُمَّ هَوِّنْ عَلَيْنَا سَفَرَنَا هَذَا. وَاطْوِ
عَنَّا بُعْدَهُ. اللَّهُمَّ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي
السَّفَرِ. وَالْخَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ. اللَّهُمَّ



إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعَثَائِ السَّفَرِ
وَكَاثِبَةِ الْمَنْظَرِ وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ فِي
الْمَالِ وَالْأَهْلِ

«Аллоҳумма иннаа нас’а-
лука фий сафариная ҳазаа
албирро ват тақваа ва ми-
нал ʔамали маа тардо. Ал-
лоҳумма ҳаввин ʔалайнаа
сафаронаа ҳазаа ватви
ʔаннаа буъдаху. Аллоҳум-
ма Антас сооҳибу фиссафа-
ри вал холийфату фил аҳ-
ли. Аллоҳумма инний аъу-
зу бика мин ваъасааис са-
фари ва каабатил манзори
ва суу’ил мунқолаби фил
маали вал аҳли».

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сен-
дан бу сафаримизда яхшилик
ва тақвони ҳамда Сен рози
бўладиган амални сўраймиз.
Ё Аллоҳ, сафаримизни биз-
га енгил қилиб, узоқлигини
яқин қилгин. Ё Аллоҳ, сафар-
даги йўлдош ҳам, хонадон-
да қолувчи ўринбосар ҳам
Ўзингдирсан. Ё Аллоҳ, мен
Сендан сафар машаққатла-
ридан, маҳзунлик манзараси
ва молу мулк, оилага ҳамда
фарзандларга етадиган зи-
ён-заҳматдан паноҳ бери-
шингни сўрайман”.

Сафардан қайтишда уш-
бу дуони ўқинг ва бунга қў-
шимча қилинг:

آيُّوْنَ • تَائِبُوْنَ • عَابِدُوْنَ • لِربِّنا
حَامِدُوْنَ

«Айибуна, тааибууна, ʔа-
абидууна ва лироббинаа
ҳаамидуун».

Маъноси: “Биз қайтувчи-
лар, тавба қилувчилар, ибо-
дат этувчилар ва Парвар-
дигоримизга ҳамд айтувчи-
лармиз”.

**Қишлоқ ёки шаҳарга
киришда ўқиладиган дуо**



اللَّهُمَّ رَبَّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَمَا
أُظْلِلْنَ. وَرَبَّ الْأَرْضِينَ السَّبْعِ وَ
مَا أَقْلِلْنَ. وَرَبَّ الشَّيَاطِينِ وَمَا
أُضْلِلْنَ. وَرَبَّ الرِّيَّاحِ وَمَا ذَرَيْنَ.
أَسْأَلُكَ خَيْرَ هَذِهِ الْقَرْيَةِ وَخَيْرَ أَهْلِهَا
وَخَيْرَ مَا فِيهَا. وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ
شَرِّهَا. وَشَرِّ أَهْلِهَا. وَشَرِّ مَا فِيهَا

«Аллоҳумма, Роббис са-
маваатис сабъи ва маа аз-
лална ва Роббал ардиинас
сабъи ва маа ақлална ва



Роббиш шайаатиини ва маа адлална ва Роббар рийааҳи ва ма заройна. Ас'алука хойро ҳазиҳил қорйати ва хойро аҳлиҳаа ва хойро маа фиҳаа ва аъзузу бика мин шарриҳаа ва шарри аҳлиҳаа ва шарри маа фиҳаа».

Маъноси: "Етти осмон ва улар соя солган нарсалар Парвардигори, Етти (қават) ер ва устидаги нарсалар Парвардигори, шайтон ҳамда у йўлдан оздирганларнинг Парвардигори. Шамоллар ва улар учирган нарсалар Парвардигори бўлган Аллоҳ! Мен Сендан ушбу қишлоқ, шаҳар, унинг аҳли ва ундаги нарсалар яхшилигини сўрайман. Унинг, аҳлининг ҳамда ундаги нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман".

Сиз яхши боласиз!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўргатган зикр ва дуоларни ёд олганингиз учун сиз билан фахрланаман!

Набий алайҳиссалом таълимотига доимо амал қилиб юрасиз, деб умид қиламан.

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Ўғил кутяпсизми ёки қиз?

Ҳомиладор аёл турмуш ўртоғидан:

– Ўғил кутяпсизми ёки қизми? – деб сўради.

Эр:

– Агар ўғил бўлса, мен унга математикани ўргатаман, биргаликда спорт билан шуғулланамиз, балиқ овига борамиз, – деди.

Аёл:

– Қиз бўлса-чи?! – деб сўради. Эр:

– Агар қиз бўлса, унга ҳеч нарса ўргатишим шарт эмас. Чунки унинг ўзи менга ҳамма нарсани ўргатади: қандай кийинишни, қандай овқатланишни, нима дейишни ва нима демасликни. Хуллас, у менинг иккинчи онам бўлади! Мени ўз қаҳрамони деб биледи. Ҳатто ниманидир рад этсам ҳам, доимо у мени тўғри тушунади. Оила қургач, қизим турмуш ўртоғини мен билан солиштиради. У неча ёшда бўли-

шидан қатъи назар, ҳар доим менинг яхши муомала қилишимни хоҳлайди. У мен учун қайғуради. Агар кимдир мени хафа қилса, уни ҳеч қачон кечирмайди...

– Демак, қизингиз ҳаммасини эплайди, лекин ўғлингиз қилмайди. Шундайми?!

– Йўқ! Эҳтимол, у ҳам шундай қилар, лекин ўғлим аввал буларни қилишни ўрганади. Аммо қизлар бунга лаёқатли ҳолда туғилади. Қиз боланинг отаси бўлиш ҳар қандай эркак учун фахрдир!

– Аммо у биз билан доим бирга бўлмайди-ку, – деди аёли.

– Ҳа, лекин биз унинг дуоларида ва қалбида бўламиз. Шунинг учун қизимнинг қаерда бўлиши муҳим эмас.

Рус тилидан
Акбаршоҳ РАСУЛОВ
таржимаси





Кейин кеч бўлиши мумкин

(Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар филиали нарколог шифокори, психотерапевт Наргизахон Содиқова билан суҳбат)

– **Ассалому алайкум, Наргиза опа! Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай буюрган: “Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг” (Нисо**

– Ва алайкум ассалом! Тўғри айтасиз. Қабулимга келган беморлар орасида тамаки чекувчи 7 ёшли, гиёҳванд моддалар қабул қилувчи 13 ёшли болалар, ҳатто 83 ёшли киши ҳам бор. Бу, албатта, ҳар биримиздан хушёрликни талаб этади. Руҳий ва жисмоний бузилишлар оқибатида гиёҳвандликка мубтало бўлади. Ҳар қандай гиёҳванд воситаси жинсий ривожланишга салбий таъсир қилади, жигарни, буйракни, ошқозонни шикастлайди. Шунингдек, онкологик касалликларни ривожлантиради.

– Ҳозирги кунда инсонларнинг, хусусан, қизларнинг гиёҳванд модда истеъ-

сураси, 29-оят). “Аср вабоси” дея бонг урилаётган гиёҳвандлик оқибатида ҳозирги кунда ҳам миллиардлаб инсонлар ҳаётдан кўз юмоқда. Унинг турлари кўпайиб, таъсир доираси кенгайди. Энг ачинарлиси, ўсмирлар, хотин-қизлар орасида ҳам гиёҳванд моддалар истеъмоли кўпайган. Шундай эмасми?

мол қилишига нима сабаб бўляпти?

– Қабулимга оналар “Боламнинг ҳеч нарсадан ками йўқ. Ҳайронман, нимага бундай бўлди?” ёки “Уйимдан пул йўқоляпти” дея шикоят қилиб келишади. Гиёҳванд бўлишга муҳитнинг ёмонлиги сабаб бўлади. Қизларимизнинг бу иллатга мубтало бўлаётгани эса жуда оғриқли

нуқтамиз.

Гиёҳванд модда қабул қилган бола ёмон аҳволга тушмайди. Шу боис, дастлаб бунини билиш осон эмас. Уйга кеч келади. Гапингизга асабийлашиб жавоб беради. Бунини ўсмирлик инжиқликларини билан адаштирмаслик лозим. Бир сафар қабулимга она қизини текширтириш учун олиб келди. Айтишича, у тинмай уйдан қочиб кетаркан, баъзан кечқурунлари келмас экан. Қиз билан суҳбатлашганимизда йиғлаб, гиёҳванд моддага ўрганиб қолиб, унинг таъсирида нима бўлганини эслолмаслигини айтди. Ундан бу дорини қандай олганини сўрадик. У интернетда бир йигит билан танишгани, дорини дастлаб бепул берганини, қарам қилиб олганидан кейин катта пулга сотганини айтди. Ҳозир бу масалада тегишли ташкилотлар иш олиб борапти. Лекин қиз боланинг номуси булғаниши нафақат унинг ўзига, оиласига, жамиятга ҳам салбий таъсир қилади. Шу сабаб она қизи билан дўстона муносабатини ўрнатиши, унинг ҳар бир ҳолатидан хабардор бўлиши лозим. Фарзандларимиз атрофидаги инсонларга ҳам эътиборли бўлайлик. Айтиш жоиз, бу ҳолат ўғил фарзанд-





ларимиз билан ҳам содир бўлиши мумкин. Боламизни бегоналарнинг қўлига, хатарга йўллаб қўймайлик.

– Бу захриқотилдан йироқ бўлиш ва зулмат кўчасидан чиқиб кетиш борасида ота-оналарга ҳамда ёшларга қандай тавсияларингиз бор?

Ҳар қандай яширинча хатти-ҳаракатлардан узоқ юриш, огоҳ бўлиш керак. Нотанишларга ишонмаслик, ҳар бир ҳолатни ота-онага айтиш зарур. Шу жумладан, катталар ҳам боласи билан кўпроқ вақтини ўтказсин. Кўп ҳолларда гиёҳвандлар: “Менга ёрдам беринг, бу ҳолатдан чарчадим”, деб шикоят қилиб келишади.

Улар яна ташқи муҳит таъсирида шу аянчли ҳолатга қайта тушишдан қўрқишларини айтади. Аввало, биз уларни руҳий даволаймиз. Сабаби, биз берган дорилар наркотикка бўлган тобеликни камайтиради, оғриқни қолдиради. Лекин руҳий ҳолати ўзгармаса, яна осонгина шу йўлга қайтади. Яқинда 2 йил аввал даволаниб кетган 25 ёшли беморим қабулимга келди. Ўша вақтлар бизга фарзанди бўлмаётганидан шикоят қилганди. Ҳозир болали бўлибди. Хурсанд бўлди. Афсуски, қайта ва қайта келиб даволанаётганлар ҳам бор. Касални эрта аниқлаш жуда муҳим. Даволанишдан, шу касалликка дучор бўлганидан уялмаслиги керак. Кейин кеч бўлиши мумкин.

Аллома ибн Ҳожар Маккийнинг “Фатовои Кабир”ида ёзилишича, “Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишда бир қанча зарарлар мавжуд: у инсон тафаккурини ўтмаслаштиради, тананинг турли касалликларга чидамлилигини йўқотади, хотирани сусайтиради, бош, юрак, сил, истисқо хасталикларини юзага келтиради, ибодатдан тўсади, шарму ҳаёни кетказади, инсоний муносабатлар ва мурувватга зарар етказади”. Бундан ташқари, бу зарарли илат инсонни ўта ялқов, камғайрат, оилага бепарво, ҳамиятсиз, жинсий заиф қилиб қўяди, кўзни хиралаштиради, тишларни тўкиб юборади”.



Камола АДАШБОВЕВА
суҳбатлашди.

Ўчирғичингиз бўлсин!

Ўғлини уйлантирган ота бир куни унга қоғоз, қалам ва ўчирғич келтиришни буюрди. Ўғил отасининг бу талабидан ҳайрон бўлди. Айтилган нарсаларни олиб келди. Ота ўғилга: “Ёз!” деди. Ўғил: “Нимани ёзай?” деди. Ота: “Хоҳлаган нарсангни ёз”, деди. Ўғил бир жумла ёзди. Ота: “Энди ёзганингни ўчир”, деди. Ўғил ўчирғич билан ёзган нарсасини ўчирди. Ота: “Яна ёз!” деди. Ўғил: “Нимани? Нега ёзай?” деди. Ота: “Ёзавер”, деди. Ўғил ёзди. Ота: “Энди ўчир”, деди. Ўғил ўчирди. Ота: “Ёз!” деди. Ўғил: “Сиз мендан нима истайсиз?” деди. Ота: “Айтганини қил”, деди. Ўғил яна ёзди. Ота: “Энди ўчир!” деди. Ўғил ўчирди.

Шундан кейин ота ўғлининг елкасига қўлини қўйиб: “Эй ўғлим, турмуш қургандан кейин оилада битта ўчирғич бўлиши керак. Сен аёлингга кўрган баъзи бир ёқмайдиган нарсаларни ўчириб туришинг, аёлинг сенда кўрган баъзи бир ёқтирмайдиган нарсаларини ўчириб туриши керак. Акс ҳолда турмушнинг оппоқ варағи кўп ўтмай, ёқимсиз хотиралар билан тўлиб қолади. Оқибатда, турмуш жаҳаннамга айланади.

Эй ўғлим, эр-хотинлик алоқаси меҳр-муҳаббат ва ўзаро бағрикенгликка, бир-бирига нисбатан кечиримли бўлишга асосланади. Агар бирор камчилик ўтса, уни такрорламаслик учун муносиб услуб билан тушунтириш лозим. Мана шу эр-хотинлик алоқасини мустаҳкамлайдиган асосий қоидалардан ҳисобланади”, деди.

Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринбосари



Маҳаллада бир келин мени суриштириб юрганини айтиб қолишди. У билан саломлашгач, аёл миссионерликка оид адабиётларни олдимга қўйди. Унинг айтишича, икки нотаниш аёл уйига меҳмонга келиб, анча вақт у билан суҳбатлашган. Нотаниш аёллар: “Синглим, сизга хушхабар келтирдик. Бахтли ва саодатли бўласиз”, дея ғояларини тарғиб қилишган. Келин уларнинг таомни “Бисмиллаҳ” айтмасдан егани, овқатдан

талари, компьютер технологиялари ва шу каби воситалар ёрдамида ҳам амалга оширмоқда. Улар уйма-уй юриб “хушхабар” етказиш, яъни одамлар билан куннинг долзарб муаммолари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг дардларига қизиқиш билдириш ва ушбу муаммолардан чиқиш йўллари кўрсатиб беришни таклиф қилади. Шундан сўнг уларни ўз ташкилотларига жалб қилишади. Бундан ташқари, маҳаллий тилларда христи-

дилар. Ким Аллоҳнинг оятларига куфр келтирса, бас, албатта, Аллоҳ ҳисобни тез қилувчидир”.

Яқинда бир оила мурожаат қилди. Ўғли мактабда синфдошлари билан чиқишмаган. Табиатан тортинчоқ бола ўз муаммосини ота-онасига айтса, эътибор беришмаган. Бу вазият эса миссионерларга қўл келган...

Аввало, ота-оналар ислоҳни ўзларидан бошлашлари лозим. Бугун Ислом динига оид, мусул-

Иймони заифлар тузоққа тушадилар!

сўнг дуо қилмаганига эътибор берган. Намоз вақти бўлганда эса меҳмонлар: “Биз намозни истаган вақтимизда ўқиймиз”, дея жавоб беришган. Келинга китобларни ташлаб кетишган. Ибодатларга мустаҳкам келин уларнинг бу фитналарига алданмади. Ўз вақтида биздан маслаҳат сўради.

Содда, диний илми ҳаминқадар бўлганлар улар учун осон “ўлжа” бўлади. Пул ёки қандайдир моддий манфаат эвазига ўз ғояларини тарғиб қилиб, ҳақ диндан адаштиришади. Улар чекка вилоятлар, қишлоқларга қадар кириб бориб, одамларни тузоқларига туширишга ҳаракат қилишмоқда. Бу эса отинойилардан маҳалла билан мунтазам ишлаш, фуқаролардан эса ўзига ва оила аҳлига эътиборли бўлишни талаб этади.

Бугунги кунда миссионерлар ўз фаолиятларини замонга мос, оммавий ахборот воси-

анликни тарғиб қилувчи адабиётларни тарқатиш кўп қўлланиладиган усуллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”-ги Қонунига мувофиқ бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Чунки миссионерликнинг зарарлари шунчалик аянчлики, у биргина шахсининг ўзи билан чекланиб қолмасдан бутун жамиятга ва мавжуд тузумга ҳам қаттиқ таъсир қилади.

Аллоҳ таоло наздидаги энг тўғри дин Исломдир. Бу ҳақда Оли Имрон сурасининг 19-оятида бундай марҳамат қилинади: **“Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг ўзаро ҳасад қилишибгина ихтилоф қил-**

мон инсон билиши керак бўлган барча қоидаларни ўзида жамлаган адабиётлар, ижтимоий тармоқлар, ишончли сайтлар бор. Шу манбалардан илм олиш ўрнига кўпчилик инсонлар беҳуда ишларга вақт сарфлайди.

Миссионерларнинг алдовларига учаётганларнинг аксари ўз дини асосларини, ақидавий устунларини яхши билишмайди. Баъзан ота-оналар фарзандларидаги ўзгаришлардан шикоят қилишади. Афсуски, улар онгини миссионерлар заҳарлаб бўлган. Бундай ҳолатларда ўсмирларни тўғри йўлга солиш осон бўлмайди.

Фарзандингиз қандай китоб ўқияпти, нимани кўряпти, кимлар билан суҳбатлашяпти – ҳамиша эътиборли бўлинг.

Феруза ОТАЖОНОВА,

*Хоразм вилояти
бош имом-хатибининг
хотин-қизлар масалалари
бўйича ёрдамчиси*



Қалб ҳаловати

Анча йиллар аввал “Хатирчи ҳаёти” газетасида ишлаганимда таҳририятимизга келган шикоят хатини ўрганиш учун Лангар қишлоғига бордим.

Шикоят хатига кўра, мактаблардан биридаги фаррош аёл ишдан ноҳақ бўшатилгани айтилиб, ёрдам сўралган.

Мазкур мактаб директори дастлаб мени тавозе билан кутиб олди, мақсадимни эшитгач, бирдан ўзгарди. Ўзини оқлаб, фаррош аёлнинг ўз хоҳиши билан ёзган аризасини кўрсатди.

Хушмуомалалик билан хайрлашиб, шикоят хатидаги манзилни излаб топдим.

– Ассалому алайкум, Азиза опа, яхшимисиз?

Эшикни элликка яқинлашган аёл очди. Ўзимни таништиргач, аёл кўзидаги ёшини артди.

– Баъзан бир адолатсизликни кўриб, ҳамма шундай деб ўйлайсиз. Лекин умидингизни узмайсиз. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳдан мушкулимни осон қилишини сўрадим. Бандаларига инсоф беришини чин кўнгилдан истагандим, укажон. Ахир Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«“Бировингиз дуо қилсам, ижобат бўлмади!” дея шошқалоқлик қилмаса, дуо**

ижобат бўлади», деганлар (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Азиза опага директор кўрсатган аризани айтган эдим: – Мен бундай ариза ёзмаганман. Бир неча бор мени ишга қайта олишларини сўрадим. Ҳар сафар борганимда сизни бўшатганмиз, кетинг, дейишарди, – деди.

Шундай қилиб, туман газетасида фаррош аёлнинг топталган ҳуқуқи ҳақида мақола чиқди. Унда холис журналист сифатида кўрганларим, кузатганларимни ёздим. Ва бу тез орада қонун ҳимоячиларининг эътиборига тушиб, кўп ўтмай газетада аёлнинг ишга қайтгани ҳақида мақола эълон қилдик.

Бу воқеага анча йил бўлди. Директор ишдан олинди. Бир куни пойтахтга иш юзасидан боришимга тўғри келди. Ўша директор таксичилик қилаётган экан. У мени кўриб шу аҳволга солганимни айтиб, дашном қилса керак, деб ўйлагандим. Аксинча, ёнимга келиб самимий сўрашди. Ҳатто миннатдорлик билдирди.

Инсон нафсига эга чиқмаса, бир куни хор бўлади. Сизга раҳмат! Хатомни тушуниб етишга кўмаклашдингиз.

Аллоҳим ҳамма бандасига хатосини тушуниш, тавба

қилиш имконини бермайди. Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ: “Самимий тавба – банда ўтган ишга афсус-надомат қилиш билан бирга унга ҳеч қачон қайтмаслигини қасд қилиши”, дейди.

Тавба ҳақида Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таоло бандасининг тавбасидан сизлардан бирингиз чўл-биебонда йўқолган туясини топиб олганида (қувонганидан кўра) кўпроқ хурсанд бўлади”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Мардиқул СИДДИҚОВ,
фахрий журналист





Ҳар кун қандай

(Давоми. Бошланиши
ўтган сонларда.)

Мусулмоннинг айбини яшириш савоби

Айримларнинг бегоналар олдида яқинлари айбини очиши дилни хира қиладди. Бир аёл: “Келиним мана бундай, мана бундай”, деса, бошқаси эрини, баъзилари қайнона ва қайноғасини ёмонлайди. Бундай бемаъни гап-сўзлар қўни-қўшни, ишхона, хонадон ва унинг аъзолари орасида ҳам бўлиб туради.

Баъзилар бундай нарсаларни кўнгил ёзиш ва мароқли суҳбат деб ҳисоблаши мумкин. Улар ўзлари каби муслималарнинг шаъни дахлсиз эканини билмайдилар.

Гоҳида ўртадаги яқин муносабатлар боис оилавий сирнинг гувоҳи бўласиз. Ёки маслаҳатингизга эҳтиёж сезиб, шахсий масалаларини сирлашадилар. Баъзида эса бир аёлнинг ҳаётидаги кўнгилсизликларидан, яширин бўлса-да, хабар топасиз.

Эҳтиёт бўлинг! Боиси, баъзи аёллар мусулмонлар шаънига дахл қилгани каби сиз ҳам телефонда ёки хос давраларда ўзгалар сирини фош этиб қўйишингиз мумкин.

Бирор ишга муносабат

билдираётганингизда кишилар исмини ошкор этишни арзимас санаманг. Кўпинча гап-сўзлар эгаларининг шахсий сири бўлади. Агар гапиршга тўғри келса, “Анави ерда бир аёл мана бундай иш қилди...” ёки “Бир киши билан мана бундай иш содир бўлди...” каби ибораларни ишлатинг. Шартининг назарда тутилаётган шахсни билиб қолмаслиги керак.

Мақсадингизга мана шу йўл билан эришсангиз бўлади. Тилингизни ғийбатдан тийган, биродарингиз айбини яширган бўласиз. Сабаби, дугонангизнинг баъзи шахсий ишига гувоҳ бўлишингиз ёки гапини эшитишингиз сизга уни тарқатиш ҳуқуқини бермайди.

Чунки мўиналар яширади ва насиҳат қиладди. Мунофиқалар эса ёмонлайди ва ошкор этади. Шундай бўлса-да, яширишнинг шартлари бор:

1. Мусулмоннинг гуноҳи фақат ўзига тааллуқли бўлиб, ўзгага зарар келтирмаслиги керак. Аксинча бўлса, зарарнинг олдини олиш учун айбига яраша танбеҳ бериш лозим.

2. Яшириш ҳолатни тузатиш, яъни айби беркитилган киши гуноҳдан қайтиб,

тавба қилиб олишига васила бўлсин. Аммо айбдор гуноҳ қилишда давом этса ёки бузғунчилик қилса, унинг айбини яширмаслик вожиб. Чунки бу нарсаси катта зарарни келтириб чиқариши мумкин.

3. Айбини яшириш гувоҳлик сўралганда уни адо этишдан тўсмаслиги керак. Аллоҳ таоло бундай баён қиладди: **“Гувоҳликни беркитманг. Ким уни беркитса, унинг қалби гуноҳқордир”** (Бақара сураси, 283-оят).

4. Зулмни қайтариш учун ҳам гувоҳлик бериш шарт. Агар зулм ўз вақтида тўхтатилмаса, яширувчи бажарувчининг гуноҳига шерик бўлади.

Бундан бошқа ҳолатларда муслим ва муслималар айбини яшириш орқали савоб умид қилинг:

1. Энг улуғ кунда Аллоҳ таоло айбларингизни беркитади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Банда банданинг гуноҳини дунёда яширар экан, Аллоҳ таоло қиёмат кунда унинг айбини яширади”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

2. Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлманг. Парвардигор бундай дейди: **“...Албатта, Аллоҳнинг раҳма-**

савоб топасиз?

ти яхшилик қилувчиларга яқиндир (*Аъроф сураси, 56-оят*). Муслмоннинг айбини яширинг, албатта, яхшилик қилувчилар Аллоҳнинг раҳматига яқинлардир.

3. Яхшиликни бошқаларга ҳам раво кўриш иймон тақозосидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Сизлардан бирингиз ўзига яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича ҳақиқий мўмин бўла олмайди**” (*Имом Бухорий ривояти*).

Одамлар олдида айбингиз ошкора бўлишини истамаганингиздек, бошқа учун ҳам шундай бўлишига рози бўлманг.

4. Исломингизни яхшилаш савобини умид қилинг. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Кераксиз нарсаларни тарк этиш киши исломининг гўзаллигидандир**”, деб марҳамат қилганлар (*Имом Термизий ривояти*). Кўпинча одамлар сири ва айбларини гапириш сизга алоқадор бўлмайди.

5. Аллоҳ учун ғийбатдан тийилиш савоби. Ғийбат ожиз, кучсиз кишиларнинг хатти-ҳаракатидир. Инсон кўпинча ўзига тегишли бўлмаган нарсаларни гапирганда ғийбат қилади. Аллоҳ асрасин!

6. Аллоҳнинг сизни яхши кўриши. Боиси, Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганларидек, Парвардигор сатр қилишни яхши кўради. Набий алайҳиссалом: **“Аллоҳ азза ва жалла Ҳалим, Ҳай, Саттор Зотдир. Ҳаё ва сатрни яхши кўради**”, деганлар. Агар Аллоҳ таоло яхши кўрганларини қилсангиз, У сизни яхши кўради.

7. Муслмон ёки муслиманинг айбини яшираётганингизда жамиятда ахлоқсизлик тарқалишининг олдини олиш савобини умид қилинг. Чунки ахлоқсизлик тарқаса, одамлар унга эргашиб, қарши чиқмай кўядилар.

Аммо “айбни яшириш” деганда, киши гуноҳ қилса ҳам индамаслик, унга қарши турмаслик, насихат қилмаслик тушунилмайди. Яширишнинг шарти айбни ошкор қилмасликдир. Агар сатр қилишингиз айбдорни инсонийлик чегарасидан чиқарса, феъл-атворини бузса, унинг масаласини имом-хатибларга билдириш керак. Модомики, муслим ва муслимани Аллоҳнинг азобидан қутқаришга уринаётган экансиз, бунинг барчасидан савоб оласиз.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳдан: “Эй Абу Саид, бир

киши ўзгадаги бирор нарсани билса, уни ошкор қилсинми?” деб сўради. Имом: “Субҳаналлоҳ, албатта, йўқ”, деб жавоб берди.

(Давоми бор)

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси.





Қуръони каримда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман. Менга шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!”** (Бақара сура-си, 152-оят).

Раббимиз: “Мени гуноҳларингизга тавба қилиш, ҳожатларингизни сўраш, ихлос-эътиқод, илтижо ва муножот билан ёд этингиз. Мен сизларни кечирим, ҳожатбарорлик, нажот, ижобат ила ёд этурман”, демоқда. Оятда ёд этиш “зикр” лафзи билан келган. Зикр эса, тил ва дил билан бўлади.

Аллоҳга шукр қилишимиз ҳам У Зотга ҳар ишда боғланиб, ҳисобсиз ноз-неъматларга ғарқ қилиб қўйганини тафаккур қилиб, ҳамд айтишимиз билан бўлади. Ношукрчилигимиз – буларнинг барини У Зотдан деб билмай, бошқа томонларга “юз буриб” кетишимиз, ужбга тушиб, нафсимизга қул, ўзимизга маҳлиё бўлиб боришимиздир.

Афсус, бугун Холиқнинг розилигидан кўра махлуқ-никини муҳим санаб, тўғри йўлни йўқотиб қўйиш хавфи ортмоқда. “Одамлар нима дейди?!” деган қараш жамиятни кўринмас балодай қамраб олмоқда. Ҳар қан-

дай ишда дастлаб бу борада шариатимиз нима деганига қарайдиганлар кам. Тўйми, азами, бошқа бирор иш юзасиданми – одамларнинг нима дейиши бирламчи бўлиб бормоқда. Нима қилиб бўлса-да, одамлар эътиборига тушиш, танилиш касаллиги авж олмоқда. Одоб-ахлоқ, ҳаё, ҳурмат-иззат деган туншунчалар йўқолиб бораёт-

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?..

гандай...

Таниқлилик дунёдаги энг кўп тарқалган, инсонни тез маҳв этадиган синовдир, аслида. Инсон жамиятда ўзи, сўзи эътиборли бўлишни жуда хоҳлайди. Айниқса, бугунги техника ривожланган замонда ижтимоий тармоқларда назарга тушиш, кузатувчилари сони кўпайтиришга уриниш авж олди. Кишиларнинг бу васвасага чалиниши маънавий хасталик нишонаси. Қалб касалликларининг тури кўп. Машхур бўлишни истаб қолиш улар ичида энг юқумли, энг зарарлисидир.

Чунки у тўғридан-тўғри кишининг ихлосига чанг солиб, Ҳақ учун холис иш қилишдан тўсади. Киши одамлар мақтаса шодланиб, ёмонла-са, ғазабланадиган бўлиб қолади.

Шундай қилиб, сизнинг кунлик ҳиссиётларингиз бошқаруви одамлар қўлига ўтади. Эрмак қилинадиган ўйинчоққа айланади. Улар-

нинг ҳолати эса доим ўзгарувчан. Ҳам-мани бирдай рози қилишнинг ҳеч иложи йўқ. Ҳар кун турфа феъл-атвор ва фикрлардан ташвишда яшай бошлайсиз. Бугун сизни олқишлаганлар эртага сизга қарши турган бўлади.

Ҳолбуки, Аллоҳ ҳар қандай башарий

эҳтиёжнинг муносиб муқобилини яратган. Шундай экан, дунёвий машхурликни ухровий машхурликка алмашиш энг тўғри йўлдир. Охи-ратдаги машхурлик ҳақида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Агар Аллоҳ бир бандани яхши кўриб қолса, Жаброил алайҳиссаломга: “Аллоҳ фалончи-ни яхши кўради, сен ҳам уни яхши кўр”, дейди. Жаброил алайҳиссалом ҳам уни яхши кўради. Жаброил алайҳиссалом осмон аҳли-**



га: “Аллоҳ фалончини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринг-лар”, деб нидо қилади. Шунда осмон аҳли ҳам у бандани яхши кўриб қолишади. Кейин ер юзидаги инсонлар ҳам уни яхши кўриб қолади» (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳга маҳбуб бўлишни истаган банда Холиқ буюрган ишларни бажаради, қайтариқларидан қайтади. Ҳар ишда Унинг розилигини истаб бажаради. Фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб амалларини адо этиб, гуноҳ ва бидъатлардан тийилади. Шунда у банда юқоридаги ҳадисда келган машҳурликка эришади.

Хўш, сиз қайси бирини танлайсиз: дунёвий машҳурликними ё ухровий? Ўз амалларингизни бир мезонга тортиб кўринг. Бутун оламларни, улар ичра бир зарра ўлароқ сизни яратган улуғ Зотнинг нима дейиши муҳими ё ҳалиям “одамлар нима дейиши”га қараб яшайсизми?..

**Абдулатиф
АБДУЛЛАЕВ**
тайёрлади.

Бир болага...

Яқинда маҳалламизда яшовчи таниш савдогар аёлнинг қизига катта ёшли аёллар: “Шундай бўяниб, очик кийиниб юрсанг, охири ифтингдан айрилиб қолишинг мумкин”, деб куюниб танбеҳ беришди. У шу гапни кўшиб-чатиб ота-онасига етказибди. Ота эртасига ўша онахонлар олди-га бориб: “Қизимни тергашга нима ҳақларинг бор?” деб уларнинг таъбини хира қилибди. Онаси ҳам: “Дадаси нима олиб берса, ўшани кияди, ёш-да, чиройли бўлгиси келади, бўянади, сизларга нима?!” деган бе-маза гапларни айтиб, ўзидан ёши анча катта хотинлар билан уришибди. Кекса аёллар бу гапларни эшитиб: “Вой, қўшни қизни ҳам терголмасак?!” деганча тил тишлаб қолибди.

Ана сизга ота-онанинг гулдек қизини ножўя ишлардан асрашга чоғланган маҳалла аҳлига муносабати!

Дарҳақиқат, айрим ёшларнинг ташқи қиёфаси, кийиниш маданиятига бугунги кунда эътибор зарур бўлиб қолди. Европадан кириб келган “оммавий маданият” ўғил-қизларимизга таъсир қилмай қўймапти. Баъзан уларга кўча-қўйда гапиришга кўрқасан киши. Сабаби “Сизнинг нима ишингиз бор?! Бу менинг эркинлигим, қонуний ҳуқуқим” каби эътирозлари билан миллий ва диний қадриятларимизни мен-

симай гапириши мумкин. Ҳаддан зиёд юпқа ёки калта кийи-ниш, аввало, менталитетимиз, қолаверса, динимизнинг бирламчи қоидаларига хос эмас. Дунё аёлларини ўзига ром этган атласу адрас, ипак матоларимиздан давр тақозо этаётган услубда, миллийлик билан уйғун қилган ҳолда замонавий либослар тиктириб кийишнинг нимаси ёмон?!

Аёл ўқитувчилар кам бўлган замонда устоз бўлиб ишлаган, ҳозирда бир маҳалла фаоли, мутасаддиси сифатида навқирон авлод тарбиясига нафақат маҳалла аҳли, балки кўпчилик жавобгар эканини таъкидлаган бўлардим.

Тамим ибн Авс Дорий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «**“Дин насиҳатдир”**. “Ким учун?” деб сўрадик. **“Аллоҳ учун, Унинг китоби учун, Расули учун ҳамда мусулмонларнинг раҳбарлари ва омма учун!”** деб жавоб бердилар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам» (Имом Муслим ривояти).

Динимизда, миллий қадриятларимизда насиҳатнинг ўрни беқиёс. Ёшлар катталарга қулоқ тутишса, фақат ўзларига фойда.

**Юлдузхон
АБДУРАҲМОНОВА,**
Қўқон шаҳридаги
“Ашурали Зоҳирий”
номли маҳалла отинойиси



“Эй мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимолки, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз! Иймондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Кимки тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардир” (*Хужурот сураси, 11-оят*).

Баъзан оддий гап дея қараётганимиз – бир-биримизни масхаралашдан мўмин киши қайтарилган. Инсонга озор берадиган, унинг айбини ошкор қилиб, ҳақоратлайдиган “ҳазил”лар ёмон оқибатларга олиб келади. Шундай ҳолатлардан бири туманимизда содир бўлди: 8-синфда ўқийдиган қиз ўз жонига қасд қилди.

Бир куни у дугоналари билан мактабга кетаётганида қизлар ортидан келаётган катта синф йигитлари ўзларича қизларни тақсимлай кетибди: “Униси менга, буниси сенга”. Улардан бири: “Анави сенга”, деб Дилшодани кўрсатиб, беўхшов кулибди. “Йўқ, йўқ, у сенга”, деб эътироз билдирибди бошқаси.

Юзида нори бор Дилшода масхаралашдан таъсирланиб, мактабга бормаган ва жонига қасд қилган. Қизининг жасадини кўрган онанинг сочи бир кунда оқарди.

Аёллардан бири: “Қизимиз чимилдиқ кўрмади, чимилдиқ тутинглар”, деди. Маҳалла отинойиси вазиятни эшитиб, шундоқ ҳам ёш жонига қасд қилган қизга истиғфор айтиб, гуноҳларининг кечирилишини сўраш ўрни-

Х У Н У К

га бидъат амалларни бажараётган аёлларга насихат қилди.

Отинойи ҳозирги кунда турли қийинчиликларга чидолмай, жонига қасд қилаётганлар кўплигини айтди. Фарзандларга бу борада динимиз кўрсатмаларини ўргатишни, бизга келган муаммолар Аллоҳнинг тақдиримизга битганини тушунтириш лозимлигини таъкидлади.

Масхаралаш сабабли бир инсон жонига қасд қилиб оғир гуноҳ содир этди. Бир оила фарзанд доғида қолди.

Хулоса шуки, тилимиз айтган ҳар бир гап гўзал амалларимизга сабаб бўлсин, дилозорлик ва гуноҳга эмас.

И Ш

Марзия ЭШҚУВВАТОВА,

Нарпай тумани бош отинойиси

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимки мазлум билан бирга ҳаққи собит бўлгунига (тиклангунига) қадар бирга юрса, Аллоҳ таоло қадамлар тойиладиган Кунда, Сирот устида унинг қадамини собит қилади”**, дедилар.

Ибн Абуддунё рисояти



Аллоҳ таоло баъзи бандаларга дард беради ва шу сабабли уларнинг гуноҳларини ювади. Халқимизда “Ис-сиқ жон иситмасиз бўлмас”, деган нақл бор. Албатта, бу бежиз айтилмаган. Зеро, хасталик гўдакни ҳам, ёшни ҳам, кексани ҳам четлаб ўтмайди.

Мўмин-мусулмон бир-бирининг ҳолидан хабардор бўлади. Айниқса, беморлик етган бўлса, унинг зиёратига боради. Сабаби, хасталик киши ҳолини маҳзун, жисмини заиф қилади. Шу сабабли инсон меҳр-муҳаббатга ҳар қачонгидан ҳам муҳтож бўлади.

Ҳазрат Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: **“Ким мусулмон биродарини касал ҳолида кўргани келса, унинг олдида келиб ўтиргунча жаннат йўлида юрган бўлади, агар ўтирса, Аллоҳнинг раҳмати уни қамраб олади. Агар эрталаб зиёрат қилса, кечгача етмиш минг фаришта унга салават айтади. Агар кечқурун зиёрат қилса, тонггача етмиш минг фаришта унга салават айтади”** (Имом Абу Довуд ва Ибн Можжа ривояти).

Яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Салмон Форсийни касал бўлганида кўргани борганлар ва: **“Сенинг бу ётишингда учта хислат бор. Раббингдан эслатма, пок-**

лик ва олдинги гуноҳларингга каффорот, касал кишини дуоси мустажобдир, қодир бўлганингча Аллоҳга дуо қил” (Имом Байҳақий ривояти), деганлар.

Биродарининг зиёрати беморнинг соғайиб кетишига

Бемор зиёратчи

ёрдам беради. Яна у дўстлари олдида кадр-қиммати борлигидан хурсанд бўлади. Динимиз беморни зиёрат қилишни биродарлари зиммасидаги ҳақлардан бири этиб белгилаган. Ҳадисларда келишича: **“Беш нарса мусулмон кишининг ўз биродари зиммасидаги ҳақларидан ҳисобланади: саломга алик олиш, акса урганда (алҳамдулиллаҳ деса), (“ярҳамукаллоҳ” дея) соғлик тилаб дуо қилиш, меҳмонга чақирганда бориш, касал бўлганда зиёрат қилиш ва жанозасида қатнашиш”** (Муттафақун алайҳ).

Бемор кўргани боришнинг одоблари:

– одоб сақлаш. Масалан, эшикни оҳиста қоқиш, очиб-ёпиш;

– зиёрат учун беморга қулай бўладиган вақтни эътиборга олиш;

– касал кўргани келган киши беморга Фотиҳа, Ихлос, Фалақ ва Нас сураларини ўқиб дам солиб, унинг ҳаққига дуо қилиши;

– зиёратчи беморнинг ҳузурида кўп ўтириб қолмаслиги.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлган биродарларимизни зиёрат қилиб, уларнинг дуоларини олишга ундаганлар: **“Беморларни зиёрат қилинглари ва улардан ҳаққингизга дуо қилишларини сўранглари. Чунки касалнинг дуоси фаришталарнинг дуоси каби мустажобдир ва унинг гуноҳлари кечирилгандир”** (Имом Табароний ва Имом Байҳақий ривояти).

Маҳфуза БОЗОРОВА,
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси ўқитувчиси





Попкорн – маккажўхори эмас

Маккажўхори, аслида жуда фойдали. У анъанага мувофиқ пиширилиб истеъмол қилинса, танамизга ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Таркибида кўплаб А, С, Е витаминлари, тиамин, ниацин, фолий кислотаси, темир, калий, магний, фосфор, цинк каби фойдали моддалар бор. Лекин барча севиб истеъмол қиладиган попкорн маккажўхоридан тайёрланмайди. Фойдали моддалар ўрнига туз, карамелизаторлар, маргарин ишлатилади. Попкорннинг бир порциясидаги туз миқдори айрим чипслар ёки картошка фридаги туздан кўп бўлади. Ортиқча туз истеъмол қилиш қон босими ошишига олиб келади ва буйраклар фаолиятини бузади.



Сухари – кони зарар

Ўзида бир қанча касалликларни жамлаган бу маҳсулот кони зарар. Гижжа ва паразитларни кўпайтиради, тиш эмалига зарар етказади, аллергияси ёки таъсирчанлиги бўлган одамларга салбий таъсир қиладди. Шунингдек, ошқозон яраси, гастрит, колит ва панкреатит каби ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган одамларда ҳазм тизими муаммоларини келтириб чиқариши, симптомларни кучайтириши мумкин.



Чипсда картошка йўқ

Чипслар ун, крахмал, таъм кучайтиргич қўшилган ҳолда тайёрланади. Бу эса, ортиқча вазн пайдо бўлишига, жигарнинг ишдан чиқиши, юрак хуружи ва атеросклероз касалликларига сабаб бўлади. Бундан ташқари, маҳсулот таркибидаги танамиз учун зарарли моддалар саратон касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Ўта қизиб турган ёғда қовурилган картошка саломатлик учун зарарлидир.



Эслатма: Азиз ота-оналар!
Фарзандларингизни яримтайёр маҳсулотлар: хотдог, гамбургер, лаваш, попкорн, сухари, чипс ва бошқа егуликларга ружу қўйишидан асранг!

Йўталга қарши

Кўкрак соҳасига карам барги қўйиш йўталдан халос бўлишга ёрдам беради. Бунинг учун унинг баргини олиб, қайноқ сувга 2 дақиқа давомида ботириб қўйилади. Кейин баргга асал суриб, кўкрак соҳасига қўйилади. Сўнг чойшаб билан маҳкам боғланади. 3-4 кеча шундай қилиб ётилади.

1 ошқошиқ асал ва ярим чойқошиқ тузни аралаштириб, дока ёки матога бир текис қилиб суриб, кечаси ўпка устига қўйилади. Эрта-лаб нам мато билан артиб олинади.

Кунгабоқар ёғи, асал ва унни тенг миқдорда олиб, аралаштириб, мато ёки докага суриб, кўкрак қисмига қўйилади. Устидан пахта билан ўралади. 3 соатдан кейин ювиб ташланади.

Лимон ва алоэ шарбатини тенг миқдорда олиб, асал билан аралаштириб, 6-8 соат тиндириб, сўнг ичилса, кучли йўталда фойда беради.

Ярим пиёла сабзи шарбатига сут аралаштириб ичилса ҳам, йўталга шифо бўлади.

Балғамдан қандай халос бўлиш мумкин?

Бир литр сувга 3-4 та пиёз тўғраб солиниб, тахминан уч соатча паст оловда қайнатилади. Сўнг биров совутиб, 3 ошқошиқ асал қўшилади. Малҳам қопқоқли идишда сақланади ва овқатдан кейин 2 ошқошиқдан истеъмол қилинади.